

Эртага сўнги кўнғироқ! Маълумотларга кўра якунланаётган ўқув йилида республика бўйича 626.359 нафар йигит-қиз умумтаълим мактабларининг 9-синфини, 260.244 нафари 11-синфини тугатади. Уларнинг катта ҳаёт сари дастлабки қадамларига муваффақиятлар тилаймиз.

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

#21  
(440)

YURIDIK GAZETA

May

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



## Осиёнинг нигоҳи Тошкентда

Дунёдаги миллионлаб футбол мухлислари Германия майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионати бошланишини сабрсизлик билан кутаётган бир паллада 21 май куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида футбол бўйича 8-Осиё чемпионатига старт берилди. Ушбу мусобақада қитъамизнинг энг кучли 16 жамоаси 4 гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этаётди. Гуруҳларнинг ғолиблари 26 май куни ярим финалда майдонга тушадилар. 27 майда эса мусобақа ғолиби ҳамда иккинчи ва учинчи ўрин эгалари аниқланади.

Ушбу мусобақа шу пайтгача 7 марта ўтказилган бўлса барчасида эронлик футболчилар чемпионлик шохсўпасига кўтарилган. Кўпчилик мухлис ва мухтаassisлар мусобақанинг Тошкентда ўтказилиши-

ни ҳисобга олиб, Ўзбекистон терма жамоаси ишқибозларнинг қўллаб-қувватлаши остида чемпион бўлишдан умид қилишаётди. Аммо спортда ким кучли бўлса омад унга кулиб боқадди деган гап бор. Шавкат Абдурайимов мураббийлик қилаётган йигитларимизга улкан зафарлар тилаймиз.

Бугунгача куйидаги натижалар қайд этилди: Эрон — Туркменистон — 14:0, Тайланд — Индонезия — 8:4, Япония — Гонконг — 12:0, Тожикистон — Ироқ — 4:2, Қирғизистон — Австралия — 5:1, Кувайт — Ливан — 5:5, Ўзбекистон — Малайзия — 7:0, Хитой — Хитой Тайпей — 5:3, Туркменистон — Тайланд — 1:8, Индонезия — Эрон — 1:20, Гонконг — Тожикистон — 5:6, Ироқ — Яман — 0:2.

А.ТўРАЕВ олган суратлар

Jarayon

## Халқ муносибларни сайламоқда

Барча жойда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов давом этмоқда. Биз бу муҳим ижтимоий-сиёсий жараён қандай кечаётганиги билан кизиқиб, Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси ташкилий-назорат бўлими бошлиғи Нурулло Ерлепесовга муроса қилдик.

— Аввало бу йилги сайловнинг олдингиларидан тубдан фарқ қилишини, яъни халқимизнинг сиёсий ва ижтимоий онги, фазолиги ошганини, барча овуларда сайлов ошқоралик ва танқидий руҳда ўтаётганини ҳамда фуқаролар йиғини раислиги ва маслаҳатчилигига кўпни кўрган, тажрибали, эл-юрт учун фидойи кишилар сайланаётганини таъкидламоқчи эдим.

Қорақалпоғистон ҳудудида фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкиллаштирувчи ҳамда ёрдам берувчи 14 кишидан иборат республика комиссияси (раиси Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси раисининг биринчи ўринбосари Фафуржон Ражабов) ташкил этилди. Ҳозир барча туман ҳокимлиги, овул фуқаролар йиғинларида ишлар махсус режа бўйича олиб борилаётди. Сайловни ўтказиш вақти, мuddати, ташкилий ишлар ҳажми, тарғибот-ташвиқот ишлари, вакиллар сайлаш нормалари қонун талаблари доирасида бажарилаётди. Мақсадимиз сайловни ошқора, демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ўтказишдан иборат, — деди Н.Ерлепесов. — Ҳеч қандай ноқонуний аралашувларга йўл қўйил-

майди. Туман ҳокимликлари, тегишли комиссиялар бу борада кўз-қулоқ бўладилар, етарли ёрдамларини берадилар.

Н.Ерлепесовнинг таъкидлашича, бу йилги сайловда Қорақалпоғистон бўйича 347 та ўзини-ўзи бошқариш органидан фуқаролар йиғини раислигига номзод кўрсатилади. Республикада шу кунгача 110 та жойда ана шундай йиғилишлар бўлиб ўтган. Уларда меҳнат жамоаларидан сайланган вакиллар билан бир қаторда кенг жамоатчилик ҳам иштирок этаётди.

Йиғилишларда асосий эътибор мустақиллигимизнинг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш, элимиз тинчлиги ва турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилмоқда. Муаммолар жойида ҳал қилинапти. Айниқса бу борада ишсизлик муаммосини бартараф этиш, бунинг учун эса тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, овуларда кичик корхоналар ташкил этиш зарурлиги ўқтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, бу йилги сайлов Қорақалпоғистонда юксак уюшқоқлик ва кўтаринкилик руҳида ўтишига шубҳа йўқ.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ,  
«Huquq» мухбири

**Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил эканлиги, ушбу балонинг бирламчи манбаларига қарши курашни лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Шундай экан, бугунги устувор вазифалардан бири жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишдир. Шу йилнинг 21 апрелида Президентимизнинг «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Шу муносабат билан Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти Тошкент вилоят бошқармасининг бошлиғи вазифасини бажарувчи Илҳомжон Латибовга муроса қилдик.**

— Илҳомжон ака, ушбу қарорнинг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Бугунга келиб мамлакатлик ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молия органлари томонидан солиқ соҳасидаги қонунбузилишларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, коррупция, нақд пул ва хоржий валютанинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилаётганига қарамай, бу соҳадаги ишлар талаб даражасида эмаслиги аён бўлиб қолди. Шу боис Президентимизнинг юқоридаги қарори эълон қилинди. Ушбу қарор билан Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВБОЖК департаментининг номига ўзгартириш киритилиб, унга бир мўнча қўшимча вазифалар юклатилди.

## Ишонччи оқлаш лозим

Аввалги вазифаларига қўшимча равишда 2006 йил 1 январдан қўнға киритилган «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашни тўғрисида»ги қонуннинг бажарилишини назорат қилиш, яширин иқтисодийнинг шаклланиш йўллари, коррупция ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш, қонунбузилишларнинг олдини олиш бўйича профилактик ишларни амалга ошириш каби вазифалар юклатилди.

Юқоридаги қонунда кўрсатилган махсус ваколатли органнинг вазифаси Бош прокуратура ҳузуридаги департамент зиммасига юклатилиб, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилди.

— Жорий йилнинг 4 ойида бошқарма ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар давоми-

да 344 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, шундан 163 таси бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари кўзга тилиди. Ҳуқуқбузарликлар бўйича жами 1.222.960.000 сўмлик зарар аниқланган бўлса, 389.596.000 сўмлик жарима солинган. 318.397.000 сўмлик товарлар далилий ашё сифатида давлат фойдасига мусодара қилиш учун олиб

қасида олган вақтида ушланган.

Янги йўл туманидаги «Тошвилоят-Трансэкспедиция» МЧЖ раҳбари А.Ергешева эса жамиятга тегишли бўлган «ЗИЛ ММЗ» русумли, 10 АУ 818 давлат белгилли автомашинани М.Аҳмеджановга сотишни ваъда қилиб, расмийлаштириб бериш эвазига ундан 2000 АҚШ долларини пора тариқасида талаб қилган. Кейинчалик 500 АҚШ долларини олиб, хусусий нотариус Р.Қурбановнинг хизмат хонасида олди-сотди шартномасини расмийлаштиришган. А.Ергешева тузилган шартномани М.Аҳмеджановга бериб, ундан 1500 АҚШ долларини пора тариқасида олаётганда ушланган.

Шу турдаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бошқарма томонидан кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Қолаверса бугунги кунда департамент органлари олдида қўйилган ишонччи оқлаш мақсадида йўналишимизда молиявий-мулкый операциялар мониторингини ташкил этиш ва амалга ошириш, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш, олдини олишда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик кучайтирилмоқда.

Фозил МАМАШАРИПОВ  
тайёрлади

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**БОШ ПРОКУРАТУРАСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ СОЛИК,**  
**ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА**  
**ВА ЖИНОЙИ ФАОЛИЯТЛАР**  
**ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ**  
**ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ**  
**КУРАШИШ**

## ДЕПАРТАМЕНТИ

### ХАБАР ҚИЛАДИ

«Бахтли-журт» КТХФ раҳбари Р.Примбетов ноқонуний равишда «Алоқабанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлиминдан олган 20 млн. сўм кредит пулларини ўз муддатда банкка қайтармаган. Банк мансабдорлари эса қафиллик берган «Агроинтехника» бирлашмасининг 1 млрд. 919 млн. 182 минг сўмлик кредиторлик қарзлари борлигини билгани ҳолда, ушбу кредитни бериб, шу кунга қадар ундириш чораларини кўрмаганлар.

Зангнота туман ҳудудига фуқаро Р.Абдеев «ВАЗ 2103» русумли автомашинада боҳжона назоратини четлаб, Қозоғистон Республикасидан айланма йўллар орқали олиб ўтган 448,5 литр истеъмолга яроқсиз этил спиртнинг сотиш мақсадида олиб кетаётганлиги аниқланиб, маҳсулот далилий ашё сифатида олинган.

Жарқўрғон туманидаги «Н.Боймуродов» маҳалласида яшовчи С.Ҳайтов ўз уйида ноқонуний равишда пахта ёғи ишлаб чиқариши билан шугулланиб келаётганлиги аниқланди. Унинг уйида 57 кг. пахта чигити, 512 кг. кунжара, 86 литр қўлбола ёғ ва 1 дона мойҳувоз ускунаси далилий ашё сифатида олинган.

Фарғона вилоятида фуқаро Э.Ақбаров чет элда ишлаб чиқарилган акциз маркази 1000 қути «Pine» тамакиларини сотиш мақсадида деҳқон бозорига олиб кетаётганлиги аниқланди. Ўтказилган текшириш натижасида Э.Ақбаров тамаки маҳсулотларини Фарғона шаҳар Шодиева кўчаси 32-уйда яшовчи Диёр Халиловнинг уйида сақлаётганлиги маълум бўлди. Д.Халиловнинг уйдан акциз маркази 5 турдаги, жами 2 млн. сўмдан зиёд бўлган 8849 қути тамаки маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинган.

«Юнусобод деҳқон бозори» ОАЖ 5-пост назоратчиси Х.Каримов худдаманчилик йўли билан бозор худудида савдо қилаётган фуқаро А.Семенов ва Ж.Тулақовлардан бир марталик чипта учун 700 сўмдан оlish ўрнига 1400 сўмдан пул олиб, чек бермаганлиги маълум бўлди. Текширув давомида Х.Каримов 2005 йил июлидан буён фуқаролар А.Фодуров ва Ж.Ғуломовлар ёрдамида бир марталик патта пулларини ортиқча йиғиб келиб, йиғилган пуллар ҳисобидан А.Фодуровга кунига 10 минг сўмдан, Ж.Ғуломовга эса эҳтиёжга кўра мева-сабзавотлар бериб, қолган маблағларни ўзи ўзлаштириб келганлиги аниқланган.

Янгибод туман ҳокимлиги мансабдорлари низо жамғармасини шакллантирмаган бир неча фирмаларга улгуржи савдо рухсат гувоҳномаларини берганликлари аниқланди. Гувоҳномалар ёрдамида савдо қилган «Тог жилоси» ХФ мансабдорлари 678 млн. 570 минг сўмлик, «Учтўрғон» ХФ мансабдорлари 647 млн. 159 минг сўмлик улгуржи савдонини амалга ошириб, савдодан тушган нақд пул маблағларини банкка топширмаганликлари ва «Тог жилоси» ХФ мансабдорлари ДСИга ҳисоботлар топширмадан давлат бюджетига тўлашни лозим бўлган 17 млн. 876 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламай келаётганликлари аниқланган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилади.

Маълумки, табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб турибди. Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда доимий назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Текширишлар шунни кўрсатадики, 2006 йил 1 мартгача «Тошкентвилоятгаз» ҳудудий газ тармоқлари қорхонасидан аҳолининг дебитор қарзи 5,3 млрд. сўмни, улгуржи қорхоналарнинг қарзи эса 8,8 млрд. сўмни ташкил этган.

## Қарзни ким тўлайди?

Худди шундай ҳолат «Тошэлектротармоқлари» ОАЖда ҳам кузатилади. Истеъмолчиларнинг қорхонадан жами 40,2 млрд. сўмлик дебиторлик қарзлари вужудга келган. Хар икки қорхона ҳам қарзларни ундириш учун Тошкент вилояти ҳўжалик судига даъво аризалари киритган.

2006 йилнинг 10 февралдан ҳозирги кунга қадар ўтказилган тадбирлар натижасида вилоятда табиий газдан ўзбошимчилик билан фойдаланган 241 та хонадон, 67 иссиқхона ва кўплаб майшиш хизмат кўрсатиш қорхоналари газ тармоғидан узилган. Шулардан 80 та қонунбузарликлар бўйича даъво аризалари фуқаролик судларига юборилиб, 8,4 млн. сўмлик зарар ундирилган.

Ўтказилган текширишларда бир қатор жиддий қонунбузилишлар ҳам кузатилади. Масалан, «Янгийўлгаз» шўъба қорхонаси мансабдорлари умумий миқдори 430,5 млн. сўмлик табиий газнинг истеъмолчилар томонидан боҳжона йўқотилишига ошқандан охиқ йўл қўйиб беришган. Шун ҳолат юзасидан қорхона мансабдорларига нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

«Тошкентвилоятгаз» қорхонасида 2006 йил 26 февралдан 1 мартгача ўтказилган мониторингда табиий газни исроф қилиш бошқа

туманларда ҳам рўй бергани аниқланди. Хусусан, «Зангиотатумангаз» да 1,2 млрд. сўмлик, «Тошкенттумангаз» да 835 млн. сўмлик, «Қирирайтумангаз» да 797,2 млн. сўмлик, «Уртачирчиқтумангаз» да 314 млн. сўмлик газ боҳжона сарфланган.

Истеъмолчилардан газ ҳақини ундиришда ҳам «Тошкентвилоятгаз» қорхонаси мансабдорлари суиистеъмолчиликка йўл қўйган. Натижада 2006 йилнинг 1 январигача табиий газ учун дебиторлик қарзи 11 млрд. сўмни ташкил этган. 2006 йилнинг 1 февралгача эса дебиторлик қарзи 13,6 млрд. сўмга етиб, 2,6 млрд. сўмга ўсган.

Юқоридагиларга кўра, «Тошкентвилоятгаз» қорхонаси ҳамда унинг қўйи тизимидаги қорхоналарнинг мансабдорларига нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, ҳозир тергов олиб борилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари ўтказган текширишларда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 42 та тақдимнома киритилган. 53 киши қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилиб, 181 киши интизомий, 422 нафар шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилган. 11 та жиноят иши кўзғатилади.

**Қаҳрамон ИБРОҲИМОВ,**  
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

# Пайҳонга йўл қўйманг

Далаларда шабададан тебраниб буй чўзаётган бугдой ниҳоллари ҳадемай ҳосилга қиради. Айни дамларда галлазорларда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга катта аҳамият қаратишмоқда. Биринчи навбатда экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида қузатув постлари ташкил қилинган ҳамда қоровуллар тайинланган.

Ўзбекистон Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш» чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қароридан бундан аниқ вазишлар белгиланган. Афсуски, айрим ҳудудларда масъул шахслар ушбу қарор ижросини таъминлашга панжа орасидан қараганлари натижасида фуқароларнинг қаровсиз қолдирилган моллари галлазорларни пайҳон қилмоқда.

Пешку туман Хулбор қишлоғида яшовчи Ш.Аҳмедова тегишли 14 та қўй-эчки қаровсиз қолдирилгани оқибатида «Каром Панов» фермер ҳўжалиғига тегишли галлазорнинг маълум қисмини пайҳон қилган.

Юртимизда пиллачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Пилла тайёрлашда тут озука манба қисобланади. Хукуматимиз томонидан тўздорларни агротехник қонунлар асосида парвариш-лаш, янги тўлпантияларини ташкил қилиш борасида қатор қарорлар қабул қилинди. Таассуфки, бу қарорлар ижросига ҳам ёт кўз билан қараётганлар топилди.

Ғижувон туман Чармғари қишлоғилик Ш.Рўзиев «Қозқоббон» фермер ҳўжалиғига тегишли тўздордан 76 та дарактн қўприб ташланган. Оқибатда ҳўжалик манфаатида сезиларли миқдорда моддий зарар етган.

Қорақўл туманидаги «Ҳамроқулов Меҳмон» фермер ҳўжалиғига тегишли тут ниҳолларининг 180 донасини шу ҳудудда яшовчи М.Саидов, 42 тупини Н.Жўраев ноқонуний равишда кесиб, пайҳон қилган. Қорақўл туман прокурори томонидан М.Саидов ва Н.Жўраевларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатилиб, судга юборилди. Фермер ҳўжалиғи манфаатига етказилган зарарни ҳуқуқдорлардан ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Қорақўл туманлараро судига даъво аризаси киритилган.

Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилда мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар натижасига кўра 19 та ҳолатда фуқаролар ҳамда уй ҳайвонлари томонидан 1,67 гектар экинзор пайҳон қилинганлиги аниқланди. Прокурор қарорлари асосида ҳуқуқбузарлик содир этган 24 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Етказилган 496,000 сўмлик зарарнинг 167,800 сўмини айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашди. Қолган 238,000 сўмлик зарарни ундириш тўғрисида судларга 2 та даъво аризаси киритилди.

**Мурод АШУРОВ,**  
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори

## ЭСДАЛИК ҚУРОЛ

Ноқонуний иш бошга келтирар ташвиш. Аммо буни ҳамма ҳам англайвермас экан. Форш туманидаги «Қораободол» фуқаролар йиғини худудидаги Чорбоғ қишлоғида яшовчи Эргаш Қўпаев шундай ҳолини бошидан кечирди. 2006 йил 18 январ кунин олинган текзор маълумотта асосан унинг уйи текширилганда, ҳеч қандай қўжжатсиз, 1998 йилда ишлаб чиқарилган 16 мм калибрли, 103 маркали ов милтиғи топилди.

Э.Қўпаев терговда ноқонуний қурол сақлаш жиноят эканлигини билмаслигини, ов милтиғи отаси Боймурод Қўпаевдан эсдалик эканлигини айтди.

Айбдор бунинг учун суд олдида жавоб берди. Туман аҳли билан юзма-юз мулоқотларда ноқонуний сақланаётган милтиқларни милицияга топшириш кераклиги кўп уқтирилади. Лекин айрим фуқаролар бундан хулоса чиқариб олмаётдилар.

Яқинда Форш туман судининг сайёр суд мажлиси «Қораободол» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Унда 1992 йили ишлаб чиқарилган ов милтиғини уйда ноқонуний сақлаб қолган фуқаро Суннат Қудратовнинг қилмиши муҳокама қилинди. У судда ушбу қурол қайночасидан эсдалик эканлигини айтиб, айбига икrorлигини билдирди.

Бази биров эсдалик сифатида милтиқ сақлаган бўлса, нима қилибди дейиши мумкин. Лекин шу қурол болаларнинг қўлига тушиб қолса, қандай фожаяларни келтириб чиқариши мумкин?

Ҳаётда бундай нохуш ҳолатларга кўччиликмиз гувоҳ бўлганмиз. Қурол ўз номи билан қурол. У ўз эгасида қонуний сақланиши лозим. Қонуннинг талаби шундай.

**А.БЕРДИЕВ,**  
Форш туман прокурорининг ёрдамчиси

Мактаб ва мактабгача таълим муассасалари учун ажратилаётган бюджет маблағларини талон-тарож қилиш болалар ҳақида хиёнатдан бошқа нарса эмас. Бу азал-азалдан ғуноҳи азим ҳисобланган бўлса, қонун нуктаи назаридан қараганда бориб турган жиноятдир. Бирок Наманган вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли айрим таълим муассасалари раҳбарлари на ғуноҳдан, на жиноятдан ҳайқишяпти.

Қосонсой туман халқ таълими бўлими мудири О.Абдураҳимови кўрган одам кўйи оғзидан чўп олмаган, инсофли, диёнатли одам деб ўйлайди. Афсуски, бундай эмас экан. Вилоят прокуратураси органлари томонидан 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги таълим тизимида ажратилган бюджет маблағларининг тўлиқ ва мақсадли йўналтирилиши юзасидан ўтказилган текширишларда унинг ҳақиқий башараси ошқор бўлди.

# «Ҳотамтой» мудирилар

О.Абдураҳимов ваколатлари суиистеъмол қилиб, 2005 йил учун туман ХТБга ажратилган бюджет маблағини ҳеч иккиланмай бошқа мақсадларга сарфлаб юборган экан. Тошкент шаҳридаги «Аvtobom plus» жамияти билан шартнома тузиб, таълим муассасаларининг умумий харajatлари учун ажратилган маблағдан 14.000.000 сўм пулни унинг ҳисоб-рақамига ўтказиб юбаради. Бунинг эвазига «ГАЗ-3102-121» маркали «Волга» машинасини сотиб олади. Мудир бу машинадан фойдаланишда ҳам ноқонуний йўлни танлади: машина ҳеч қандай ҳужжатларсиз фойдаланиш учун Қосонсой туман ҳокимлиғига бериб юборилди.

ХТБ мудирининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари шу билан яқун толгани йўқ. У нафақат бюджет маблағларини, балки ХТБ балансида бўлган техникаларни ҳам худди ўзининг хусусий мулкидай хоҳлаганча тасарруф эта бошлади. Масалан, бўлим ҳисобида бўлган «МТЗ-80» тракторини қудаси Х.Мўйдинқўжаев бошчилик қилаётган «Чашма сафед» қишлоқ ҳўжалик қорхонасига фойдаланиш учун бериб юбаради. Бу ҳақдаги ижара шартномаси номмагина тузилган боис қозғода қолиб кетган. Шунинг учун текшириш кунига қадар бирор сўм ҳам ижара ҳақи ундирилмаган.

Бюджет маблағлари ва туман ХТБ ҳисобидан

ҳотамтойлик қилаётган О.Абдураҳимовнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Вилоят прокуратураси томонидан унга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, ҳозир тергов олиб борилмоқда.

Текшириш натижаларига кўра вилоят халқ таълими бошқармаси тизимида қарашли мактабгача таълим муассасалари фаолиятида ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари маъмуридан аниқланди. Жумладан, Янгиқўрғон туманидаги 43-болалар боғчасининг собиқ мудири О.Нўмнова ўтган икки йил давомида 20 нафар ходимнинг боғчада ишлаши тўғрисида қалбаки буйруқ чиқариб, улар номидан иш ҳақи олиб келган. Мудир озиқ-оврат ва бошқа моддий бойликларни талон-тарож қилиш орқали ҳаммаси бўлиб, 2.500.000 сўм бюджет маблағини ўзлаштириб юборган.

Наманган шаҳридаги 40-боғча мудири М.Аб-

дураҳимова ҳаммасидан қолишмайди. У боғчада ишламаган 5 кишини «ёрдамчи тарбиячи» дея қалбаки имзолар билан иш табелига киритиб, 2.100.000 сўм иш ҳақи олади. Наманган туманидаги 11-боғча мудири М.Қобулова эса боғча хизматчиларининг 512.500 сўмлик маошини ўзлаштириб юбаради. Бу кирдиқорларни яшириши ва жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида иш ҳақи табелидаги имзоларни қалбакилаштириб, халқ таълими бўлимига топшириб келади.

Нафс йўлига кириб, виждонини йўқотган, юқорида номлари қайд этилган шахсларга нисбатан жиноят ишлари кўзғатилиб, қонун устуворлиги таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органлари томонидан вилоят таълим тизимида давлат мулкнинг сақланиши ҳамда бюджет маблағларининг тасарруф этилиши юзасидан 20 дан ортиқ текшириш ўтказилди. Уларнинг якунига кўра, жойларга 34 та тақдимнома киритилди, 9 та ғайриқонуний қарор ва буйруқлар прокурор протестлари билан бекор қилинди. 300 нафардан ортиқ шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 6 та ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиди.

**Баҳодир НУРИДИНОВ,**  
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

# Тадбиркор қонун ҳимоясида

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февралда бўлиб ўтган 2005 йилда иқтисодий ислохларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда ҳўжалик судлари фаолиятига ҳам алоҳида баҳо бериб, жумладан, шундай деган эди: «Сўнгги йилларда ҳўжалик судлари тизими анча мустаҳкамланди, умумий юрисдикция судларининг функциялари фуқаролик ва маъмурий-жиноий ишлар бўйича алоҳида ажратилди.

Шу борада ҳўжалик судининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2001-2005 йилларда улар томонидан қўрилган ишлар сони 3,7 баробар, жумладан, маъмурий ҳўқуқбузарлик ҳолатлари бўйича ишлар сони 4 баробардан кўпроқ ошгани ҳам шундан далолат беради.

Қўрилган ишларнинг аксарияти тадбиркорлар ва ҳўжалик субъектлари фойдасига ҳал қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Фақатгина 2005 йилнинг ўзида уларнинг фойдасига 45 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Дарҳақиқат, бугун ҳўжалик судлари тадбиркорлик ва ҳўжалик юритув-

чи субъектларнинг чинақам таянчига айланиб бораётди.

Ўтган давр мобайнида бошқа вилоятлар сингари Фарғона вилоят ҳўжалик судида ҳам қатор сезиларли ва ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, вилоят ҳўжалик судида 2005 йил ва 2006 йилнинг шу даврига қадар кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар иштирокидаги 1860 та иш қўрилган бўлиб, аксарияти уларнинг ҳимояси билан боғлиқ.

## АВВАЛ ОГОҲЛАНТИРИЛСА...

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, асосан солиқ идоралари, маҳаллий ҳўқимликлар, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорлики ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий вакиллари ва бошқа назорат қилувчи органлар арiza билан мурожаат қилишмоқда. Бироқ, айрим идоралар томонидан молиявий жарима қўллаш тўғрисида судга мурожаат қилинмаган. Бу билан, мазкур идоралар тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий, иқтисодий жарима қўллаш ишларини ҳамон эскича тартибда давом эттириб келаётди, дейиш мум-

кин.

Масалан, Фарғона вилоят стандартлаштириш, метрология ва сертифициклаш бошқармаси ўзининг 2005 йил декабрдаги қарори билан «Қўқон суперфосфат заводи» ОАЖга нисбатан 8.843.400 сўм молиявий жарима қўллаган. Бироқ ушбу масалани ҳўжалик суди орқали ҳал қилишни бошқармадагилар «унутиб» қўйишган.

Шу билан бирга, вилоят ҳўжалик

судида тадбиркорлар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни кўришда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Хусусий тадбиркор М.Одиловага қарашли савдо дўконида текшириш ўтказган Учқўприк туман ДСИ ходимлари «касса чеки бермаган» деган хулоса билан тадбиркорга нисбатан 940.000 сўм молиявий жарима ҳамда банкка топширилмаган 19.100 сўм миқдоридикиқтисодий жарима қўллашни сўрашган. Маълум бўлишича, хусусий тадбиркор М.Одилова лабораторияда фаолият юритаётган пайтда

ўғли М. мижоз А.Бекмуродовдан 300 сўм пул олиб, унга касса чеки бермаган. Судмажлисида тадбиркор ҳўқуқбузарлик содир этганини тан олди. Бироқ, нақд пулни санаш далолатнома-сида аниқланган суммалар 19.100 сўм эканлиги расмийлаштирилган ва ушбу суммалар миқозларини қайд қилиш китобидаги суммалар билан тўғри чиққан. Лекин асосий низо предмет бўлган 300 сўм ортиқча чиққанлиги тўғрисида далолатномада қайд

этилмаган. Натижада 300 сўм пул олинган ва далолатнома билан тасдиқланганлиги ўз исботини топмади. Шу боис суд М.Одиловага нисбатан 19.100 сўм иқтисодий жарима қўллаб, 940.000 сўм молиявий жарима қўллашни рад этиш юзасидан қарор қабул қилди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги айрим тақлиф ва мулоҳазаларимизни билдириб ўтсак. Аввало тадбиркорларга нисбатан қўлланаётган молиявий жарима қораларини юмшатиш ва судларга тадбир-

корнинг молиявий ҳолатини инобатга олган ҳолда амалда ижро этилиши таъминловчи, шу билан бирга, банкротликнинг олдини олишни эътиборга олиб, қарор чиқариш ваколатини берувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, аввало солиқ ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан аввало тадбиркорларни давлат рўйхатиغا олиш пайтида қонунда бўлмаган жазо қоралари ҳақида тушултириш берилса, кейинчалик эса, агар ҳўқуқбузарлик аниқланса биринчи марта ёзма равишда огоҳлантириш берилса, шундан сўнг ҳам ҳўқуқбузарлик содир этган тадбиркорга нисбатан молиявий қоралар қўлланилса фойдадан холи бўлмасди. Бунинг учун эса ҳўжалик-процессуал кодексига молиявий қоралар қўллаш борасида алоҳида боб киритиш лозим бўлади. Ана шунда тадбиркорнинг ўзини имкон қадар ҳўқуқбузарлик содир этмаслик қораларини кўриб, фаолият юритади.

**Эркинжон БОТБИРОВ,**  
Фарғона вилоят  
прокурорининг ёрдамчиси,  
Муҳаммаджон ОБИДОВ,  
Фарғона вилоят ҳўжалик суди  
раисининг ўринбосари

# Ишонч ва масъулия

**Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда фермерлик соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз фермерлик ҳаракатига «Истиқлол қалдирғочлари» дея баҳо берганди. Уларни қўллаб-қувватлаш учун ҳўқуқматимиз томонидан қўллаб қарорлар қабул қилинди. Фермерларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш йўлида учрайдиган қонуний тўсиқларга барҳам бериш прокуратура органларининг ҳам устувор вазифаларидан биридир. Бу борада Мирзачўл туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мирзачўл туман прокурори Акбархон ТУРСУНОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.**



— Акбархон ака, Мирзачўл тумани деҳқончиликка истисосланган. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ ҳўжалиши билан банд. Уларга прокуратура қандай ёрдам кўрсатиб келмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам туманимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқ ҳўжалиши билан банд. Ўтган йили деҳқонларимиз учун омадлик келди. Галла ва пахта топшириш режалари бажарилди. Бир сўз билан айтганда, деҳқоннинг чўнтағига пул қилибди. Турмуш шaroитлари ҳам яхшиланмоқда. Бу юртбошимизнинг қишлоқ ҳўжалишига, фермерлик соҳасига алоҳида эътибор қаратаётганининг самарасидир. Туман прокуратураси ҳам фермерларимизга ҳар томонлама ҳўқуқий ёрдам кўрсатаётган. Улар кўннинг хоҳлаган вақтида прокуратурага иш юзасидан мурожаат қилишлари мумкин. Туман прокуратурасида фермерлар хонаси мавжуд. Минерал ўғит, техника ва банк билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлса, мутаассиди раҳбарлар билан келишган ҳолда камчиликлар ҳал қилинмоқда. Ҳўқуқматимиз ҳам соҳага катта эътибор қаратаётган. Президентимизнинг шу йил 5 майда чиққан «Микрокредит акционерлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ҳам фермерлик, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликини ривожлантиришда кенг имкониятлар ашигини очди.

— Фермерлар орасида қатта-қатта ерларни эгаллаб, унумли фойдаланмаётган кишиларни ҳам учратамиз. Ҳақиқий деҳқон, ҳақиқий фермер ер билан тиллаша олаётган, ишинг кўзини билаётган инсон бўлиши керак. Тўғрими?

— Ҳалқимизда илк бошқа, ҳавас бошқа деган гап бор. Фермерликини ҳавас қилиб, ер олган одам ҳақиқий фермер бўлиб қолмайди. Ҳақиқий фермер оромидан кечмиши, кўни тунга улаб ишлаши, ерга меҳр қўйиши керак бўлади. Фермерликдан фақат маънафат излаган инсон хато қилади. Сўзининг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман. Жиноят ишлари бўйича Мирзачўл туман судида «Тоғай ота» фермери ҳўжалиги раиси Тўлқун Йўлдошевнинг қилмиши кўриб чиқилди. У фуқаро Исо Қўлишевга 5300 кило селитранга 250.000 сўмга сотаётганида қўлга тушган. Аслида бу минерал ўғит «Тоғай ота» фермер ҳўжалигига парвариланаётган галла ва пахта майдонларига сепилиши керак эди. «Ишбилармон» фермер эса ўғитни нақдига сотиб қўя қолган. Кўпгина фермер ҳўжаликлар кузда режа-

ни бажара олмаса, даладан айб қидириб қолишади. «Даланинг мелиоратив ҳолати паст экан. Йил оғир келди» дея баҳона қидиришади. Аслида ерга уруғ тўлиқ сепилмайди. Минерал ўғитни эса Тўлқун Йўлдошевга ўшаганлар эрта баҳордаёқ сотиб юборишади.

— Шу тўғрисида жиноятлар содир бўлишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Менимча, ерни ҳўқуқий эгасига бериш керак. Бунинг учун туман ҳўқимлиги ҳар бир бўлғуси фермернинг илгариги фаолиятини чуқур ўрганиши лозим. Деҳқончиликдан хабари борми? Маълумоти қандай? Маълумоти хис қилаётгани? Шулар инобатга олиниши керак.

— Айрим банк ходимларининг фермерлар маблағини турли йўللار билан ўмараётгани ҳақидаги гаплар ҳам тез-тез қулоққа қилишиб турибди.

— Тўғри. Биргина банк ходимининг ноҳўя ҳаракати ҳалол хизмат қилаётган соҳа ходимларининг обрўсини тўқиши мумкин. Яқинда Жаҳонгир Норчаевнинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Мирзачўл туман судида кўриб чиқилди. 2002 йил 10 июндан 2005 йил 24 январгача «Халқ банки»нинг Мирзачўл туман филиалида бошқарувчи вазифасида ишлаган Ж.Норчаев шу давр мобайнида «Абдулазиз», «Ҳожибек ота», «Забин бобо» ва бошқа фермер ҳўжаликларининг 2.800.000 сўмлик маблағини ўзлаштириб юборган.

Суд жабрланувчиларга етказилган зарарни айбдордан ундириш тўғрисида ажрим чиқарди.

— Акбархон ака, Мирзачўл тумани Қозғоистон билан чегарадош. Шу ҳудуддан айланма йўللар орқали мамлакатимизга маҳсулот олиб кириш ҳалқари учраётганими?

— Мамлакатини қудрати ўз халқини сифатсиз товарлардан қандай ҳимоя қилиши билан ҳам баҳоланади. Бу борада давлатимизда кенг қўлланма ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун бозорларимизни кўриб кўзингиз кувнайдилар. Рассталардан хоҳлаган маҳсулотнингизни харид қилишингиз мумкин. Лекин Қозғоистондан туманимизга сифатсиз молларни олиб келувчилар ҳам бўлса-да, ўраб турибди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик қилман дейдиган ҳар бир фуқаро учун имконият етарли. Қонунни бузмасак бўлгани.

Сўхбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Бозор муносабатлари шароитида давлат билан тадбиркорлар ўртасида ўзига хос муносабатлар вуҷудга келади. Давлат тадбиркорлик фаолиятига аралашмаган ва ҳалақат бермаган ҳолда ўзига хос назоратни амалга оширади. Бундай назорат тадбиркорлик фаолиятида қонуларга риоя қилиниши, ҳисоботларнинг ўз вақтида берилиши, солиқларнинг қатъий тартиб асосида тўлаб турилиши билан боғлиқ.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик устидан давлат назорати 1998 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисида»ги қонунга асосан амалга оширилади. Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан микрофирма, кичик корхона ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда кўли билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлариники эса ҳар уч йилда



## Тадбиркорлик ва давлат назорати

қўли билан бир марта режа асосида текширилади. Янги ташкил қилинган микрофирма, кичик корхона ва фермер ҳўжаликларидан улар давлат рўйхатида олинган қўндан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди.

Тадбиркорлик субъектининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш тадбиркорни асосий ишдан чалғитади. Энг асосийси, ташаббускорлик ва тавakkалчилик тўғрисидаги кескин сўндарида.

Тадбиркорларни нафақат текшириш ўтказиши жараёни, балки, текшириш якуни кўпроқ ташвишга солади. Илгари текширишлар бўйича аниқланган камчиликларни тузатиш мажбурияти тадбиркорга юклангани ҳолда унинг ўзига нисбатан ҳам молиявий жазо қўлланилар эди. Бу эса ҳўқуқбузарлик учун икки жазо каби номақбул тартибни келтириб чиқарган. Энди фармонда кўрсатилгандек, тадбиркорлик субъектлари текшириш натижаси бўйича назорат органларининг тақдирномасини бажарган, шунингдек, етказилган зарарни белгиланган муддатда тўла қўллаш тақдирда уларга молиявий жазо қўлланилмайди.

Қонунларда текширувчи органларнинг маъсулиятини ошириши бўйича ҳам қатор қоралар белгиланди. Назорат органларининг мансабдорлари тадбиркорлик субъектини рухсатсиз текширилганлиги ва ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун

мажбурияти юклатилган.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, режалар текширишлар жадвали аниқ асосланган тамойиллар бўйича тузилади. Бунда албатта, тадбиркорлик субъектининг фаолият тури, мулкчилик шакли, тузилмалар таркиби, бошқариш тартиби кабилар ҳисобга олинади. Масалан, қишлоқ ҳўжалик корхоналарини ҳўжалик фаолияти кўзгин бўлган даврларда (баҳорги экиш, экинларни парвартиш қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш) текширишга йўл қўйилмайди.

Тартибга кўра текширувчилар биринчи галда текширишлар дафтарини тўлдирishi лозим. Текшириш якуни бўйича махсус далолатнома тузилади. Унинг бир нусхаси фаолияти текширилган тадбиркорлик субъектига берилади. Субъект текшириш натижасидан норози бўлса, қонунда белгиланган тартибда маъмурий органларга ва судга шикоят қилиши мумкин.

Қонунларда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишнинг ҳўқуқий шакл ва воситалари аниқ белгиланган бўлиши тақдирда текширувчи органлар ҳамда ходимлар томонидан ҳар хил суиистеъмолчилик ва ўзбошимчалликлар содир этилишининг олдини олади. Бу эса тадбиркорлар ҳўқуқ ва манфаатларининг ўзига хос қафолати ҳисобланади.

Рустам САИДОВ,  
ТДОН 2-курс магистранти

# Бола тарбияси



**Хар қандай жиноят ўз ортидан бошқа жиноятларни ҳам етаклаб келади. Бунини беқободлик Махлиё Сангинова ва Саёҳат Облоёровлар содир этган жиноят мисолида ҳам кўришимиз мумкин.**

## Жиноятга бошлаган қариндош

Олдинги жинояти учун олган жазосидан ҳулоса чиқармай, яна эски ҳунарини бошлаган Махлиё ўша кўни Саёҳатга қайта-қайта тайинлади:

— Қариндошлигимиз жўрматидан сизга арзонга бераялман, майдалаб сотсангиз икки баробар фойда кўрасиз. Фақат «иси» чиқмасин. Биласиз, менга берилган синов муддати хали тугагани йўқ.

— Биринчи марта эмас-ку, Махлиё мунча кўрқасиз. Мижозларим ўғри багалар, сотиб қўйса ўзларига қийин.

Саёҳат уйига келиб «героинни майда-майда қадқоқлаб, ўрамларга ажратиб чиқди. Лекин бу ўрамларни со-

тишга улгурмади...

Фарҳод ҳоласини Махлиёнинг уйи олдида кўрганидаёқ тушунди: демак, Махлиё яна Тожикистондаги танишларидан яширин йўллар орқали Бекободга «героин» олиб келган ва уни Саёҳат ҳоласига пуллаган.

На ўқинининг, на ишининг тайини йўқ Фарҳоднинг вояга етмай нарқоманга айланиб улгуришида Саёҳат

гитчага ундан татиб кўриш насиб қилмади. ИИБ ходимларида шубҳа уйғотган Фарҳоднинг ёнидан топилган икки ўрам «героин» жиноят иши қўзғатилиб, Махлиё ва Саёҳатнинг қилмишлари фош бўлишига олиб келди. Таргов жараёнида вояга етмаган Фарҳод Исматовнинг бошқа қилмишлари ҳам аниқланди. Маълум бўлишича, у жиноий шериклари — вояга етмаган Мар-

сел Маметов, Тимур Иназаров ва Илҳом Минғобоевлар билан телефон қабелларини ўғирлаб, рангли метал сифатида пуллаб келишган.

Суд бу жиноятчиларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо белгиледи. Бугун инсоният бошига кулфатлар ёғдиришда бошқа тўрдошларидан ўзиб кетган героин билан боғлиқ муаммолар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги шарт. Айниқса, ёш авлодди бу тахдиддан асраш ҳар бир соғлом фикрли фуқароннинг бурчидир.

**Баҳодир ҚОРАЕВ,**  
Тошкент вилоят прокурорининг қатта ёрдамчиси

**«...Бу гап бир думалоқ бўр, эртага бир думалоқ копток, индинга энди бир думалоқ дури жа-воҳир.»**

**Қандай чидай олайлики, не ҳасратлар билан ўстираётган боламиз келажакда жамият мулкани талон-тарож қилувчи ўғри бўлиб ўсажак.**

**Ғафур Фуломнинг «Илмга муҳаббат» асаридан.**

Бугунги кунда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлиш учун 20 дан ортққ йўналиш бўйича иш олиб боради. Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қилинаётган тадбирлар шулар жумласига киради.

«Дардини даволашдан кўра, унинг олдини олиш осон» дейди ҳалқимиз. Ўсмирларнинг жиноят йўлига кириб кетишининг сабаблари нимада? Келинг, шу ҳақда мулоҳаза юритайлик. Ушбу давра суҳбатимизга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ходимлари, Чилонзор туман ИИБ вояга етмаганлар бўйича бўлим инспектори, «Ёш кўч» журнали ҳамда «Туркистон» газеталарининг бош муҳаррирларини тақлиф этдик.

### Даврон РАҲАБ:

— Атоқли ўзбек ёзувчиси Асқад Мухторнинг: «Шикоят эмас, меҳнат қилиш керак» деган ҳикमतомуз ўғти бор. Бугунги суҳбатимиз мавзусимиз шундай кечса. Биз вояга етмаган ёшларнинг билиб-билмай жиноят йўлига кириб кетиши сабабларини ўргана-япимизми ёки улардан шикоят қилаяпимизми?

Ўсмирлар ичида тенгқўрларидан ўзиб кетиб, истеъдодини намоян этаётганлар ҳам бор. Бироқ уларга тўғри йўналиш бериш ўрнига, аксинча, оёғидан чалишга тайёр турган катталар ҳам бор. Ўсмирнинг аразлаганини кўрганмисиз?! Агар унга нисбатан адолатсизлик қилинса, у шу кундан бошлаб қовоғини солиб олади. Одатда боланинг шаклланиб келаётган дунёқарши устидан кулганда шундай бўлади. Мент психолог эмасман, бироқ болалик пайтларини эсласам, ёнимдаги жўраларимга нисбатан адолатсизлик қилинганда шундай бўларди. Болани алдасанг йиғлайди, хафа бўлади, ҳатто ниманидир сиздиради ҳам. Баъзан «бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш» мумкин. Шу ерда Голливуд киноусталарининг бир фильми ёдимга тушади. Бу кинода қотилнинг фақат ёш боласи билан эрини ташлаб кетган бева аёлларни ваҳийларча ўлдириши саҳналари бор. Қотиллик очилади. Қонхўр манянинг болагини да онаси фаҳш ишларга берилиб, отаси иккаласини ташлаб кетганлиги аён бўлади. Қотил бутун филм давомида онасининг бу йўлга кириб кетганини кечира олмайди. У ўз бахтсизлигини шундай аёллардан кўради. Унутмайди ва ўзича қасос олади.

Энди бир таҳлил этайлик. Болаларнинг

жиноят йўлига кириб кетаётганлигининг сабаблари нимада? Ахир, баъзи нобон оилаларда улғайётган бола-қайлардан жирканадиганлар ҳам бор. Улар «Ота-онанг ким эди-ю, ўзинг кимсан?!» деб ўсмирни кўпчилик олдида уялтиришади. Файласуфлар: «Ўзганинг хатосини топиш ҳам яна бир хато» дейишади. Адабиб қинғир йўлларга кириб кетган вояга етмаганлар муаммолари хусусида тўхталаск.

**Тўхтасин АРСЛОНОВ, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг ҳалқро олоқлар, ҳуқуқий масалалар, ҳарбий ватанпарварлик ва спорт бўлими мудири:**

— Кўпинча вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг асосий сабаби ҳисоб қилинади. Ота-онани кўрсатилади. Негаки, ўша бола оила муҳитига қараб тарбия олади. Фарзанд отасидек, онасидек бўлишга ҳаракат қилади. Аммо бу масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ота-онанинг тарбияси қандай? Ўрнак олса бўладиганми? Бизда бу билан шуғулланадиган институт борми? Бу са-

волга ҳа деб жаовоб бериб, маҳаллада олиб борилаётган ишларни айтиш мумкин. Аммо маҳалла мутасаддиларининг ўзлари, мисол учун олайлик,

1000 та оилани йиғиб, улар билан шуғулланишининг ўзи етарлимикан? Оиладаги муҳитни соғломлаштириш, тарбияни тўғри йўлга қўйиш нафақат маҳалла фаолларининг ёки ички ишлар идораларининг иш, балки бутун жамоатчилигининг в а з и ф а с и бўлиши лозим. Бугунги кунда вояга етмаганлар тарбиясини яхшилашнинг асосий механизми ана шундан иборат. Бола мактабдаги 4-6 соатдан ташқари қолган вақтини оилада ўтказса-ю, яхши тарбия ололмаса, айб кимда бўлади? Вақтни тўғри ташкил этиш механизми яхши йўлга қўйилмаса, бола қатнайдиган спорт тўғрақлари бўлмаса... Ҳунар ўрганиш учун бирор марказга бормаса, бекорчиликдан беиз ноҳўра йўлга киради. Ичидиган, чекадиган болаларга қўйилади. Боланинг ҳуқуқбузарлик содир этиш сабабларини нафақат оиладан, балки ўсмирнинг

ишонувчанлигини ҳисобга олиб, унга таъсир этадиган ташқи омиллардан ҳам излашимиз керак. У оиладан ташқарида қимлар билан ўртққ бўлаяпти, синфдошлари қимлар, буларнинг барчасини кузатиб бориш бола тарбиясида муҳим ҳисобланади.

Иккинчи бир жиҳати, бугунги кунда телевидение орқали намойиш қилинаётган баъзи охири кўринмайдиган филмлардир. Анъналаримизга, урф-одатларимизга хос бўлмаган сериаллар, менимча, ёшлар тарбиясида салбий таъсир этаяпти. Чунки ўша ота-онани номалум бўлган фарзандларнинг тақдирини, турли хил муҳаббат жоғарларини бошдан кечираётган оилаларнинг тарихи бизнинг миллатимизга хос эмас деб ўйлайман.

Ишсизлик муаммосини ҳал қилиш ҳам қайсидир маънода ёшларнинг жиноят йўлига кириб кетишининг олдини олган бўларди.

Бунинг учун жойлардаги ҳокимиятлар, маҳаллий бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳудуддаги ҳар бир ўсмирнинг



тақдирини билан қизиқиб кўриши керак. Бола қандай орану-хаёллар билан яшаётти, оиласида қанақа муаммолар бор? Ана шу муаммоларни енган тақдиримизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик келиб чиқшининг олдини олган бўлаимиз.

**Салим АШУРОВ, «Туркистон» газетаси бош муҳаррири:**

— Олсиди бир ҳаётимизнинг гапларини эшитиб, Навоий бобомиз келтирган бир ҳикоят эсимга тушди. Олтин қафасдан

қутулган бир қабулар ўз уйини излаб қанчадан-қанча йўллар босиб ўтади. Борсаки, уяси бўзилиб кетибди. У барибир шу ерга қўнади. Ахир у — Ватани. Бузилган бўлса, қайтиб кўриб олади.

Бугун ўз уйига, ўз юртига, ўз қавамга ўқ узаётган айрим ёшларни мана шу қуш билан солиштириб бўладими?

Ҳалқимизда қадимий нақл бор, душмандан ҳам, дўстдан ҳам кўрқиб керак эмас. Улар нари борса хийнат қилиши мумкин. Билъакс, бефарқлардан кўрқиб зарур. Чунки уларнинг индамаслиги тўғайли, жимгина розилиги тўғайли жаҳондаги барча қотилликлар ва хийнатлар содир этилади.

Ёшларнинг ёт оқимлар таъсирини тушириб қолишга баъзан ота-оналар, маҳалла-қўй ҳам сабабчи бўлади. Тирикчилик ташвишлари билан бўлиб фарзандларимиз бўш вақтини қандай ўтказаятганини, нималар билан машғуллигини кўпма назорат қиллол-

маймиз. Кўча-қўйда «Иш йўқ, нима қилишим керак?» дея ноил юрган ёшларга қилаётган ишидан уялиши кераклигини тушунтириш фурсати алақадон етди. Болаларимизни эътиқодли, маъсулйатли қилиб тарбиялайлик. Чунки эътиқод тўғриси инсонда лаёқатни шакллантиради. Лаёқатли одам ҳеч қачон ишсиз қолмайди. Ишли одамнинг онига эса ёт гоғлар ёпиша олмайди, чунки у қамиша банд бўлади.

Яқинда бир гап эшитиб қолдик. Лангар қишлоғида 103 ёшли момиб бор экан, ярин йилнинг ичида учта араби гилам тўқибди. Яна олтимчи қилоча или борлигини, болалари бўяб берса, тезроқ тўқиб олиш ниятида эканлигини айтибди. Кўча-қўйда бекорчиликдан қўли бўшамаятган айрим ёшлар билан ўша кампирни солиштириб кўринг-а...

Ёшларимизнинг тафаккурдаги бўшлиқни илм-у маърифат билан, юртта, ҳалққа муҳаббат тўғриси билан тўлдириш бугунги кундаги асосий вазифа, кунлик эмас кундалик вазифадир.

**Қамолитдин БЕРДИЕВ, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг тарбият-ташвиқот масалалари, ОАВ билан ишлаш бўлими мудири:**

— Тажрибадан келиб чиқиб шуни айтманки, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган болаларнинг ҳаммасига бирдай қарамаслик керак. Уларга шахс сифатида қараш барча мушуқулларини осонлаштиради. Унинг жиноят содир этишига нималар са-

# мавсумий эмас

## Ҳалол йўлдан хато кетганлар

Инсон жамики мавжудотлар ичида азиз ва муқаррам саналади. Негаки, унга ақл-идрок, тафаккур берилган. Бу неъматлар қатори тўрилик, поклик каби сифатлар ҳам борки, буларнинг бари одамзотни йўлдан адашмасликка, ҳар қандай мақсадга меҳнат билан етишга, ҳамisha ўз ризқини пешона тери звазига топишга ундаб турди.

Бу таърифга муносиблар орамизда минглаб, миллионлаб топилади. Улар бахт-иброғга эришиш баробарида эл аро ҳурмат-эътибор топганлар. Бунинг боиси нима дегиси? Жавоб аниқ, болаликдан берилган тўғри тарбия. Тарбия саодат-дир дея бежиз айтишмайди. Болани унбўйсаяпти-ку дея ўз ҳолига ташлаб қўйсак, қаерда, юмлар билан юрганга бепарво бўлсак, у тўғри йўл қолиб, эгри йўлга кадам ташлаши, кун келиб ҳаромдан ҳазар қилмайдиган кимсага айланиб, жиноят қўчасига кириши ҳеч гап эмас.

Саидқабр Мақсудов ҳаётда жуда эрта адашиб, ана шу кўчага кирганлардан. 1989 йилда туғилган бу бола 2004 йилда жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди томонидан ЖКнинг 169-моддаси 2-қис-

ми (ўғирлик) билан айбли деб топилган, аммо эндигина 15 ёшга киргани инobatта олинб, 1 йил синов муддати белгиланган. Шу йилнинг ўзида Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги фармониға кўра жазодан озод қилинганди.

Аммо жиноятга қўл уриб, боши деворга урилгани ҳам, инсонпарварлик қилиб, кечирилгани ҳам унга сабоқ бўлмаган экан.

Оқибатда эндигина 9-синфда ўқийтган, елқасида на рўзгор, на тирикчилик ташвиши бўлган бола тақорр жиноят содир этди. Утган йилнинг кузда Саидқабр Б.Содиқов билан тил бириктириб, ўғирлик қилишди. Режаға кўра иш тунда амалга оширилиши керак эди. Шу боис икковлон ярим кечаси Чустнинг Олмос қишлоғи Мунчоқтепа маҳалласига йўл олишди. Бу гап Зайнабхон хонадони кўз остиға олиб қўйилганди.

«Ташриф»ларини биров сезмагани учун йигитлар ичкариға кириб олғач, бамайлитотир ҳаракат қилишди. «Урал» велосипеди ва эҳтиёт қисмлари, магнитофон, телевизор, бир қоп ёнғок, ҳатто от эгарига орқалар кетиши. Ҳовлидаги тарози қатагина, шунга яраша анча оғир (105 кг)

эди. Бироз қийналишса-да, уни ҳам кўтариб олиб чиқилди.

Бирок бировнинг моли қачон ўзгаға буюрган? Тез орада ўғирлик фош бўлиб, С.Мақсудов ҳам, Б.Содиқов ҳам қўлимиши учун қонун олдида жавоб беришиға тўғри келди.

Бола катта ҳаёт оstonасига қадам қўймай, ўқувчи бўла туриб икки бор суднинг қора курсисига ўтирса, ота-она, маҳалла, мактаб қайса қаради экан? Биз шу ўринда улардан ўпқалашға, аччиқ гап айтишға ҳақлимиз. Зеро, бола тарбияси — умум иши. Қолаверса, «Бир болаға етти маҳалла ота-она» дейдилар.

Шундай экан, фарзандларимиз ҳаётиға эътиборлироқ бўлалик, улар ҳақда қайғуриб, ғамхўрлик кўрсатайлик. Токи, зурриётларимиз ҳалол йўлдан чалғиб, хато қадам босмасинлар. Яхши тарбия беришиға уларнинг орзу-хавасини кўришимиз мумкин. Аксинча, сўнгги пушаймондан фойда йўқ.

Бахтиёр ВАҲОБОВ,  
Наманган вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси



5 баб бўлганини таҳлил этиш лозим. Қандайдир алданиш ёки эҳтиётсизлик тудайли гуруҳға қўшилиб қолади-ю, жиноят содир этишда қатнашади. Балки ўша бола қалтис иш қилаётганини билиб, ёнидагиларға бундай қилмаслик лозимлигини тушунтирмоқчи бўлгандир. Аммо кўпчилик кулоксизлик қилиб, уни тингламаган бўлиши ҳам мумкин. Жиноят содир бўлади. Натижада ўсимр гуруҳ билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб чиқади. Бундай пайтда болани тушунмаслик икки қарра жаза беришдай гап. Бир иш ёшлар рухий жиҳатдан қийналган пайтларда ўзларини бошқара олмайдилар. Ўсимрларда баалоғатға етиш пайтида, айниқса депрессия ҳолати тез-тез кузатилади. Улар кичик бир муваффақиятсизликдан ҳам руҳан қийналади. Бундай пайтда уларға маълум бўладиган самимий маслаҳатлар бериш фойдадан холи бўлмайди. «Жиноят содир этдинг,

рўйхатидан чиқарилган.

### 6 Юсуф Жўраев, «Ёш куч» журнали бош муҳаррири:

— Албатта шикоят қилиш осон, аммо муаммонинг ёчимини топиш машаққат. Излаган имкон топади деганларидек, машаққатдан чўчимаган масъул шахсларгина муаммони ечишға ҳаракат қилади. Ўсимрлар оsonгина жиноят йўлиға кириб қолмайди. Бунда оиладаги муҳит, қолаверса, атрофдаги тенқурларнинг таъсири кучли бўлади. Ота-она ва мактаб маъмуриятининг доимий назорати ёшларнинг жиноят йўлиға кириб қолишининг олдини олишиға шубҳа йўқ. Бола ўсувчан ниҳол, уни тўғри ўстириш, вояға етказиш барчамаизнинг бурчимиз.

Кинолар ҳам аслида ҳаётдан олинади. «Қуш ўсида кўрганни қилади» деб кексалар беҳизға айтишмайди. Қолаверса, «Қон билан кирган жон билан чиқади» деган гап

7 да болалигимда бўлиб ўтган бир воқеани айтиб ўтсам. Бошланғич синфда ўқийтган пайтларимиз... Бир синфдошим мени буфетта тақлиф этиб қолди. Бордик. Ширин-ширин пирожнийлар едик, шарбатлар ичдик. Катта танавфусдан қайтганимизда синф раҳбаримиз Рўқия опа ўқтамнинг қўлидаги қизил ўн сўмликни кўриб: «Шунча катта пулни сенга ким берди?», — дея сўради. Уқтам худди ўғирлик устида қўлга тушгандай: «Дадам берди», — деди. Шунда муаллимимиз: «Майли, ўтир. Бунчи суриштириб кўраман», — деб дарсини бошлаб юборди.

Эртасига ўқтам синфда афтодаҳол кириб келди. Кўзларини ҳаммадан олиб қочиб, партасига зўрға бориб ўтирди.

Кейин билсам, синф раҳбаримиз ўша кунни унинг уйига бориб отаси билан учрашгани эдик. «Неға болаға шунча кўп пул берасиз?» деганида ўша қизил ўн сўмликлар

8 фулланаётганидан хабарлари бўлмайдиди.

### Шаҳноза ШОМУРОДОВА, Чилонзор туман ИИБ вояға етмаганлар бўйича бўлим инспектори, катта лейтенанти:

— Бир кунни хизмат юзасидан ўзимизға бириктирилган мактабға борганимизда бир можаро устидан чиқиб қолганмиз. Европача кийинган аёл синф раҳбари билан тортишаётган экан. Уқитувчи: «Кизингиз синфға мактаб уставида кўрсатилган формада келсин», — деса, бу аёл ярим рус, ярим ўзбекчалаб: «Да, ты кто такая, рот закрой, кизимға нима хоҳласам шунчи кийгизаман», — деб бақириб, синф раҳбарининг обрусини тўққан эди ўшанда. Агар биз етиб бормаганимизда бу жанжал каттариб кетиши ҳам мумкин эди. Мана шунга онанинг қўзининг устозига бўлган муомаласи. Жаҳоҳир тақинчоқлари, қўлидаги уқли телефонидан анча бадавлат эканиги билиниб турган, кийинишидан эса унинг ўзбек аёли эканлигини билиб бўлмасди. Ушанда бизға синф раҳбари 14 ёшли кизининг мактабға ёшиға но-муносиб, беҳаё кийимларда келаётганини ва катта синфда ўқийдиган йигитчалар унга тегаҳоғлик қилаётганини айтиб берган эди. Биз муал-

# кундалик вазифа

энди жазо олишинг шарт» дегани билан уларни долабат бўлмайди. Бола қилмишиға иқдор бўлаётган ва афсусланаётган бўлиши мумкин. Бу билан адашиб, қинғир йўлга кириб қолганини жамиятнинг қора доғи сифатида қабул қилмасдан, кўнглини кўтариш керак.

Мен илгари «Камолот»нинг Ҳамза туман бўлимида хизмат қилганимда ВЕН комиссиясида турган ўсимрлар билан вояға етмаганларни қайта тарбиялаш колониялариға экскурсия уюштирдик. Мутсадди ташкилотлар томонидан бизға шундай ваколат берилган эди. Улар колонияда ўтирган тенгдошларини кўриб ўзларига ҳулоса чиқариб олишарди.

Яна шунга ўхшаган тадбирларни вояға етмаганлар колонияларида ҳам ўтказганмиз. Қайта тарбияланаётган ёшларнинг ҳолидан хабар олиш билан бирға уларға китоблар, ўқув қуроллари ва бошқа анжомлар тақдим этганмиз. Аёллар байрами арафасида уларнинг ҳар бириға яқин қариндошларини табриклаш учун отритқалар бериб чиққанмиз. Бу отритқаларни тарқатишни «Камолот» зиммасига олган эди. Озодликка юрганида ҳатто озғакки табриклай олмаганлар бундай имконият берилганидан хурсанд бўлган эдилар.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг барча вилоят, туман (шаҳар) бўлимлари раислари вояға етмаганлар билан ишлаш комиссиялари аъзосидир. Утган давр мобайнида олиб борилган ишлар натижа-сида 5245 нафар вояға етмаган ёшлар ВЕН

ҳам бор. Нима бўлганда ҳам ҳеч бир ота-она ўз фарзандининг ўғри, қазоб бўлиб вояға етишини истамайди. Оиладаги можаролар бир тарафдан эмас, балки икки томоннинг айби билан юзаға келади. Ҳар бир ота-она фарзандини баркамол қилиб тарбиялашни истар экан, аввало ўзида баркамолликни шакллантира билиш керак. Фарзандларига ўрناк бўлиш ота-онанинг бурчидир.

Касбим тақозоси билан вилоятларда кўп бўламан. Кўчада бекор юрган ёшларни ҳам, бозорларда ҳаммоллик қилаётганларни ҳам кўрганман. Биз кейинги пайтларда ўсимрлар ҳақида чўқурроқ мулоҳаза қилмасдан фикр айтаялмиз. Бозорда меҳнат қилаётган ёшлар бекорчи эмас. Улар оиласига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтирялпти. Бозорларда тартиб, тозаллик бўлишини таъминлапти. Бунинг нимаси ёмон? Кўча-қўйда сандироклаб юрган ёшлардан эҳтиёт бўлиш лозим. Улар бекорчи-да, ким қайса бошласа кетаверса-диган тоифа. Билим олиш барча ёшларға керак, лекин ҳаммамни олим қилиб тарбиялаб бўлмайди.

### Даврон РАЖАБ:

—«Ўғирлик бир туҳумдан бошланади» деган гап бор. Шу ўрин-


онасининг чўнтағидан «олингани» маълум бўлади. Шу-шу бўлди-ю, Уқтам ўзгариб қолди. Бошқа бундай олифталик қилмайдиган бўлди.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар боланинг мактабдаги ҳуқ-атвори ҳақида гапирсалар, баъзи ота-оналар билиб-билмай фарзандларига тарафқашлик қилишади. Улар тонг билан ишға кетиб, тун қоронғисига уйға қайтишади. Фарзандлари нима билан шу-

лимининг нимадан хавотир олаётганини тушуниб турардик. Чунки ўша пайтларда бўлимимизда унча зўрлаб ноумоға тегиш жинояти бўйича тергов олиб борилаётган бўлиб, жабрланганлар ичида вояға етмаганлар ҳам бор эди. Бунга нима дейсиз?

Ҳозирги кунда баъзи ота-оналар фарзандининг тақдири ҳақида уйламай қўйганлар. Бир кунни машинадан соат ўғирлаган болани бўлимимизға олиб келишди. Жабрланувчи 500 сўмлик соатини ўғирлагани учун болаға жиноят иши кўзғашимизни сўради. Биз биринчи марта шундай қинғир иш қилгани учун тегишли чора кўриб, профилактик хисобға оламиз. Аксарият шундай ўғирлик содир бўлганда боланинг уйига бориб вазиятни тушунтирамиз. Ота-онасига фарзандининг майда қилмиши келажакдаги обрусини доғ бўлиб тушушини айтмамиз. Ўғирликка қатта-кичиги бўлмайди-ку! Аммо бир нарсаға ачинасан киши. Шу икки ҳолат бўйича вояға етмаганларнинг ҳуқ-атворини таҳлил этиб кўрайлик. Бола жиноят йўлиға кириб кетмасин дея қайғурсан, ота-онаси умуман бошқа нарсани гапирди. Ёки баъзи ҳолларда мактаб ўқувчиси жиноят содир этганда, синф раҳбари боланинг дарс пайтида қаерда юрганини билмаган бўлиб чиқади. Айтганингиздай, шикоят қилишни ҳамма билади. Аммо бола тарбияси деган масъулиятли вазифадан ўзларини олиб қочадилар. Ўз ишиға виждонан ёндашмайдилар.

Давра сўхбатини  
Даврон РАЖАБ тайёрлади



13 январь куни эрталаб Раҳим акаси доим машинасида йўловчи кутиб турадиган Фаргона шаҳар маркази — сой бўйидаги «Аския» қаҳвахонаси олдида бориб, такси ҳайдовчиларидан сўраб-суриштирди. Ҳамкасблари, танишлари тайинли бир гал айтишолмади. Шаҳар прокуратурасига бориб, эрим бедарак йўқолиб деб ариза ёзди. Уша куни кундузги соат учларда қайноғаси Азамдан Охунбобоев туманида Раҳим акасининг ўлиги топилганини эшитди-ю, ҳушидан кетди...

Зудлик билан барча ИИБ қисм ва бўлинмаларига 15 М 4774 рақамли жигаранг «Тико» машинаси ҳайдовчисини ўлдириб, олиб қочилгани ҳақида хабар тарқатилди, қидирув бошланди. «Жигу-

ртада сотиб олиши даргумон. Биронта машинани ўғирлаб, сойтиб юбориб, ўрнига арзонроғини бўлса ҳам қонуний қилиб олса, тенгдошлари орасида кўз-кўз қилиб, миниб юрса... Хомхаёл аста-секин калласида пишиб, муайян шаклга кира бошлади. Ҳозир «Тико»ларнинг бозори чаққон. Ана шундай машинани кира қилиб, чўлга алдаб олиб бориб, ҳайдовчисини тинчитса, бир-иккита машина оламан деб юрган танишларига арзонлигига қизиқтириб сотиб юборса, олам гулистон. Шунинг учун Раҳим акаси эслади. Ундан ўттиз минг сўм қарз бўлиб қолган эди. Ишхонасига сўраб борганида «ойлик чиқсин, бераман» деб аранг кўнадири. Ўлғудай зикр экан, бир кунда топадиган пул-лига оғи куйган товۇқдай птитирайди. Ишхонасида ҳам ўзини бир пул қилиб кўйди.

Ишончли биронта шерик топши керак. Маҳалла-

га сим солиб бўга бошлади. Лекин чиринг, ингичка сим узилиб кетди. Раҳим ака эшикни очиб тушди-ю, қочди. Зокир ортидан қувиб, чалиб йиқитди. Сўнг дуч келган ерига тепаверди. Чопиб келган Самандар унга қўшилди. Ярим-жон ҳайдовчини судраб келиб, машинанинг орқа ўриндиғига ўтқизишди. Чўнтаклари ва машинадаги қирқ минг сўмдан зиёд пулини олиб қўйишди. Йўлда ҳушига келган Раҳим ака, «ҳамма пулимни олинлар-у, қўйиб юборинглар» дея ялинди. Улар Охунбобоев туманида, чўлда жойлашган чикинди сувлар тўпланадиган қорхонанинг бетон ҳавзасига бориб тўхтадилар. Ҳайдовчини машинадан тушириб, яна аямая калтаклашди. Ғужанак бўлиб, қимирламай қолган, жасадини бетон ҳавзига ташлаб юборишди.

Босқинчи қотиллар очикчан эди. Рулни Самандар бошқариб кечаси Қоражойда қишлоқдаги танишлари Фанижон

Гулноранинг кўнгли гаш, уйкуси келмади. Раҳим акасининг бунақа одати йўқ эди. Бирон жойда ётиб қоладиган бўлса, айтиб қўярди. Эрталаб соат олтиларда одатдагидай беш ойча бурун ижарага олган «Тико» машинасида ишга чиқиб кетди. Соат ўн иккиларда уйга келди-ю, «шошиб турибман, иш зарил» деб тушлик ҳам қилмасдан яна кетди. Кеч кирди, тун яримлади, дараги йўқ. «Авария-павария бўлдимикин» деган ҳаёлда Гулнора шошилич тиббий ёрдам марказига кўнғироқ қилди. У ерда йўқлигини эшитиб, бироз таскин топди. Яна юраги безовта бўлиб, юз ҳаёлда тон...



# Текинтоммоқ, улфратлар

Жазони ўтаб чиққанидан кейин ҳам тайинли ишнинг бошини тутмай юрган Бахтиёрга (исмлар ўзгартириб берилмоқда) отаси яқин ошанасининг машинасини ижарага сўраб олгач, у кирақашлик қила бошлади. Қўнларнинг бирида Чилонзор туманида жойлашган Шўҳрат кафееси олдида мижоз кутиб ўтирган Бахтиёр танишлари Эркин билан Шоирани учратиб қолади.

(Шу ўринда танишлар ҳақида). Эркин Орипов, 1989 йилда туғилган. Ҳеч қаерда ўқимайди ва тайинли бир ишнинг бошини тутмаган.

Шоира Эргашева эса 20 ёшларда. Пул топши иштиёқда ўзини бозорга соладиган бу «жон» шу атрофдаги йиғитларнинг кўнглини овлаб, ҳаром йўллар билан пул топади.

Хуллас, улар учрашиб қолганликларини хафедан нишонламоқчи бўлишди. Ейишди, ичишди. Гап-гапга улашиб, маззаву кундалик иш жараёнига бориб тақалганда, Бахтиёрнинг фиғони фалакка чиқди:

— Кирақашлик ҳам жонга тегди. Тонг саҳардан кечгача итдай тиним билмайсану, топган ақчанг ижара пулидан ортмайди, плани ҳам бажаролмайман.

— Турмуш — мушт дегани, буни чидаганга чикарган, — Эркин унга тасалли берган бўлди.

— Э-э, ўргилдим...

Шу ерда уларнинг суҳбатига Шоира қўшилди:

— Агар йўқ демасанглар, менга бир таклиф бор.

— Қанақа таклиф? — ажабланди Бахтиёр.

— Яширининг ҳожати йўқ. Олдимга ҳар хил «мижоз»лар келиб туришди.

Ушлардан бирортаси билан «нарих»ни келишиб, машинага олиб чикаман. Сизлар уни уриб пулини оқсизлар.

— Сал ишқалроқ эмасми? — гапга қўшилди Эркин.

— «Жондан кечмасанг, жонона қайда» деган машойхлар, — дея ишва қилди Шоира.

Бахтиёр бош иргади. Бу унинг рози бўлгани эди. Улар энди кўзгалмоқчи бўлганларидан, Шоира уларни тўхтатди.

— Аммо-чи, битта лекин бор-де. «Мижоз»ни қаерга олиб боришни ўйлаб кўрмаймиз-ку?

Бахтиёр бироз ўйлиниб тургач, тўсатдан юзи ёришди.

— Менинг Оқтепада квартирам бор. «Мижоз»га ўша ерда уйим бор деб айтасан. У ёғни бизга қўйиб бер, — у шундай дея Эркинга сирли қараш қилди.

Шундай қилиб гални бир жойга қўйишди-да, эртасига соат 21 ларда шу ерда учрашини келишиб олишди.

Оқшом чоғи «мижоз» кутиб турган Шоиранинг олдида бир йиғит келиб, «Нархингизни келишас буладимми?», деди тиржайиб.

Ўйлаган режалари бароридан келаётганидан суюнган Шоира «от билан туя бўлармиди, атиги 10 минг сўм», деди ноз қилиб. «Мижоз», яъни Зафар исмли йиғит: «Ҳозир ёнимда икки ярим минг сўм бор, қолганини уйга борганидан кейин бераман», дея уни шошира бошлади, шундай нозанини кўлга киритганидан хурсанд бўлганча.

Шоира унинг таклифига рози бўлгач, такси тўхтатмоқчи эди, Бахтиёрнинг машинаси унга рўпара бўлди. Нархини келишгач, Шоирани чакириб, орқа ўриндиққа ўтиришди. Шу пайт қаққандан пайдо бўлган Эркин «мен йўлда тушиб қоламан», дедию олд ўриндиққа ўтирди.

Манзилга етиб келишгач, Зафар машинани тўхтатиб, «Ҳозир уйдан пул олиб чиқаман», дея тор кўчага кириб кетди. У машинага қайтгач, Шоира Бахтиёрга Оқтепа маззасига ҳайдашни буюрди.

Улар Оқтепа маззасидан Гулханай кўчасига келишганда, Шоира машинани тўхтатиб, «мижоз»ни билан тушиб қолди. Бахтиёр бўлса машинани сал нарироққа ҳайдаб борди-да, четроқ жойга тўхтатиб, шериги билан уларнинг ортидан эргашди.

Улар ҳали мўлжалдаги уйларига етиб улгуришмасдан, орқаларидан етиб келган Бахтиёр Зафарнинг бўйиндан бўғиб олди. Эркин бўлса мушларини ишга солди. «Ўлжа» ҳушидан кетгач, чўнтақларини титкалай пулларини ҳамда бармоғидан тилла узугини еттиб олиб, воқеа жойидан гойиб бўлишди.

Йўл-йўлақай кафегга кириб, «иш»ни ювишди. Қолган пулларни бўлса ўртада бўлиб олишди.

Орадан кўп ўтмай Эркин таниши Рустамни учратиб қолади.

Нозик бир иш бор, менга ёрдам беролмайсанми?

— Қанақа иш экан?

— «Ўлзор» ресторанида таъшиқ пайт одам тумонат бўлади...

— Хўш, нима бўпти? — таажубланди Эркин.

— Биз пайтдан фойдаланиб, ўша ерда назоратсиз қолдирилган машинадаги керакли анжомларни ўмарамиз. Улушни ўртасидан «арра» қиламиз.

Улар йўлда машина тўхтатиб, ҳайдовчидан Генерал Узоқов кўчасига ташлаб қўйишни илтимос қилишди. Манзилга етиб келишгач, Рустам «Мен ҳозир келаман», дея Эркини қолдириб, ўзи домлар орасига кириб кетади. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтиб, у кўлида 2 та магнитофон ва 1 та машинанинг ойнасини қўтариб келиди. Аммо унинг бу сафарги ўлжаси қимматта тушди. Шу атрофда навбатчида турган ички ишлар ходимлари ўриларни ашёвий далиллар билан кўлга олишди.

Тергов жараёнида уларнинг бошқа қилишлари ҳам фож этилди.

Ўзганин мулкни талон-тароқ қилиш мақсадида ҳужум қилиб, соғлиғига зарар етказгани ва ўзганин мол-мулкни талон-тароқ қилгани учун жиноий гуруҳ аъзолари тегишли жазога тортилди.

А. КАЛАНДАРОВ,  
Шайхонтоҳур туман прокурори ёрдамчиси.

Адолат МУСТАФОЕВА,  
«Huquq» муҳбири

ли»да бораётган милиция ходимлари худди ўша рангдаги рақами ечиб қўйилган «Тико»ни кўриб, орқасидан юришди. «Тико» такка тўхтади-ю, рудла ўтирган ҳайдовчи шошиб тушганча ура қочди. Милиция ходимлари унинг ортидан қувишди. Бигри гилофидан тўплончасини чиқариб, осмонга оғоҳантирувчи ўқ узди. Ушанда ҳам тўхтамай чопаверганидан кейин оёғини мўлжалга олиб отишди. Қочоқ довларидан бирига ўзини урди-ю, тахланган ғўзоялар ортига яширишди. Уни кўздан йўқотган милиция ходимлари қайтиб кетишган, оқсоқланиб, уйига етиб олди. Ўқ оёғига теккан эди. Жараҳатини боғлаб ота-онасига сездирайми, юрак ҳовучлаб ўтирганида милиция ходимлари келиб ушлашди...

Уйқусизликдан кўзлари қизарган Самандар соат 16<sup>00</sup> да ишхонага, тергов ҳибсхонасига кириб борди. Назоратчи ҳамкасбидан ишни қабул қилиб олди. «Ун уч рақами бексият деганларича бор экан» деб ҳаёлидан ўтказди у. «Иш бошланган аввал харидор топилб, келишиб олганинда, хамирдан қил суғургандай осон кечарди... Зокирку, ўтириб чиққан, оёғига маҳкам. Камол гуллаб қўймаса бўлди...». Назарда, нима бўлганда ҳам ўзи шубҳалардан холи эди. 14 январь куни тонготар тўрт яримда ишхонасига — ҳибсхонага келиб қўли-нарига қишан солишганида, ўзини нечоғлик далил тутишга уринмасин, бириндига дармони кунди...

Дастлабки терговда энди йиғирма ёшга кирган, Охунбобоев туманининг Қоражойда қишлоғида, 10-тергов ҳибсхонасининг назоратчиси Самандар Исоқов айбига икрор бўлди ҳамда аввалдан режалаштирган ҳолда гуруҳ бўлиб содир этишган ўта оғир жиноятнинг тафсилотларини бир бошидан сўзлаб берди.

У машинани орзу қиларди. Лекин маошидан орттириб, яқин

доши, бир марта қамалиб чиққан, ким ўз грамм ароқ қўйиб бераркин деб юрадиган Зокир йўқ демайди. Йўлга солса бўлади.

— Пича пулдан қўйнаиб қолдим, — деди унга Самандар. Хўп десангиз, иш бор.

— Қанақа иш экан? — қизиқиниб сўради Зокир.

— Биронта кирақашини овлоқ жойга олиб бориб, тинчитиб, машинасини сотамиз...

Ўйлаганидек, у гапни мўзмай кўнди.

Шу йил 12 январь куни иккаласи Маргилонга келишди. Йўлқирага ҳам пуллари йўқ эди.

— Аҳмадалидан қарз сўрайман, — деди Зокир. Шаҳар марказидаги ерости йўлида қоровул бўлиб ишловчи танишига учрашилди.

— Қарзга тўрт юз сўм бериб туринг?

— Ёнимда бир сўм ҳам йўқ, — деди у. Зокир кўзини шамгалат қилиб, электр плитканинг симини узиб чўнтагига урди. Ташқарига чиқиб, таниш кирақашини «Дамас»ига ўтиришди. Фаргона шаҳри Навоий кинотеатри ёнидаги бескафта тушиб, «Аския» қаҳвахонасини ёнига боришди. Шомга яқин, Раҳим аканинг «Тико»си келиб тўхтади.

— Уйга элтиб қўйсангиз, ўн беш минг бераман, қарзимниям тўлайман, — деди ҳайдовчига Самандар.

Қоражойда етиб боришганида ҳали қоронғу тушмаган эди. Самандар кеч тушиши учун ҳайдовчини гўё «ўттиз минг қарзи бор» ҳамқишлоғини қидириб топишга кўнадири. Уч-тўртта кўчаларга кириб, уни ахтаргандай бўлди. «Шийпонда экан, ўша ёққа ҳайлан» деди. Собиқ «Намуна» ширкат ҳўжалиги 16-бригада шийпонининг йўли ўйдим-чуқурлиги туфайли Раҳим ака машинани секинлатди. Қоп-қоронғу, кимсасиз йўлда орқа ўриндиқда ўтирган Зокир тўсатдан ҳайдовчининг бўйин-

Худойқулловнинг уйига боришди. Уни машинага ўтқизиб, гузардаги чойхонага йўл олишди. Самандар машинада Камолдиннинг ҳам олиб келди. Тургаласи тамалди қилишди, ароқичишди. Фанижонни уйда қолдириб, машина олмоқчи бўлиб юрган Зокирнинг олтиариқлик ошанасиникига равона бўлишди. «Мен чарчадим, сиз ўтириб рулга» деди Самандар Камолдиннинг, машинани қандай қўлга киритганларини айтиб бергач. Қизилтепа қишлоғига бораётиб, канал кўпригида тўхтади. Зокир ҳайдовчининг кўртқаси, теллагига қўшиб узининг қон юққан шимини ҳам сувга иреганди. Бироқ машинага харидор бўлгучи уйда йўқ эди. Тун ярмидан оққанда яна Қоражойдага қайтишди. Сиз тўрт-бешларда Самандар тракторчи Абдумажид аканинг эшигини қоқди.

— Сўйиладиган «машина» бор, — деди унга. — «Запчаст» қилиб берадиган одам бўлса...

— Жияним устaxonада ишлайди. Маргилоннинг комбинати ёнида, — деди Абдумажид ака. — Эрталаб етиларда келсангиз, олиб бораман.

Бироқ уста аввало «запчаст» қилинадиган машинанинг ҳужжатларини сўради. Турган гапки. «Тико»нинг ҳужжатлари йўқ эди. Шунинг учун уни қисларга бўлиб беришдан бош тортиди...

Самандар ишга жўнади. Зокир «Тико»ни миниб, қишлоқ кўчаларида уста излаб юрганида милиция машинасига рўпара келди...

«Тико» машинасини босқинчилик йўли билан эгаллаб, сотиб юбориш мақсадида ҳайдовчисини калтаклаб ўлдирган Самандар Исоқов ва Зокир Мирзақулов, оғир жиноятни яширган Фанижон Худойқулов ҳамда Камолдин Пўлатов суд тегишли жазо тайинланди.

М.ТЕШАБОВЕВ,  
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

вазифасини бажарувчи

вазифасини бажарувчи

вазифасини бажарувчи

вазифасини бажарувчи

вазифасини бажарувчи

вазифасини бажарувчи

вазифасини бажарувчи

вазифасини бажарувчи

вазифасини бажарувчи

вазифасини бажарувчи



## Парламент тарқатиб юборилди

«France Presse» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, яқшанба кuni Кувaйт амира Сабаҳ ал-Аҳмад ал-Сабаҳ мамлакат парламентини тарқатиб юбориш тўғрисида фармон чиқарди. Парламентнинг тарқатилишига Кувaйт сайлов қонунчилигини ислоҳ қилишда юз берган инқироз сабаб бўлди. Утган ҳафта мамлакат парламентида сайлов округларини 25 тадан 10 гага қисқартириш тўғрисида қонун муҳокама қилинганди. Либераллар ҳамда диний партиялар аъзолари мазкур лойиҳани янада тақомиллаштириш мақсадида сайлов округларининг сонини бештага қисқартиришни таклиф этишган. Уларнинг фикрича, шу йўл билан сайлов жараёнида рўй бериши мумкин бўлган қонубузилишларнинг олди олинади. Лекин бошқа депутатлар қонун лойиҳасини конституцион судга жўнатишга қарор қилганлар. Аммо муҳолифатчилар бундай қадамни ислохотга тўсиқ дея баҳолаб, норозилик намоишини ўтказди. Натижада Кувaйт амира икки ўт орасида қолди. У ё мамлакат бош вазирини истеъфога чиқариши ва вазирлар маҳкамасини қайта шакллантириши ёки парламентни тарқатиб юбориши зарур эди. Амир жаноблари иккинчи йўлни танлади. Парламент янги сайлов жорий йилнинг 29 июнида ўтказилади.

## Сабабсиз жиноят

Ўтган яқшанба кuni АҚШнинг Батон-Руж шаҳрида фожиа рўй берди. 25 ёшли Энтони Белл шаҳар марказида жойлашган черковга кириб у ердагиларни ўққа тутган. Натижада тўрт киши ҳалок бўлган. Жинойий ҳаракатларида давом этиб, Белл турмуш ўртоғининг ҳам жонига қасд қилади. Жиноятчини қўлга олиш вақтида Белл ҳеч қандай қаршилик кўрсатмаган. Ҳозирча йигитни жиноятта ундалган сабаблар поаниқ деб хабар қилади «Вашингтон пост» нашри.

## Калтакланган муҳаррир

Озарбайжонда «Бизнинг йўл» газетасининг бош муҳаррири Баҳаддин Ғозиев номаълум шахслар томонидан калтакланди. У машинасида уйига қайтаётганда ўғирлаб кетилган. Сўнг Масазир қишлоғи яқинида олиб борилиб дўппосланган. Зўравонлар Ғозиевга «танқидий мақолалар ёзишни бас қилмасанг ўлдирамиз» деб таҳдид солишган. Чалажон муҳаррир эрталабгача қишлоқ чеккасида қолиб кетади. Бироз вақт ўтган уни қишлоқ одамлари топиб зудлик билан шифохонага келтиришади. Айни дамда Ғозиев жонлантириш бўлимида даволанаяпти. Утган ҳафта жума кuni бўлиб ўтган брифингда муҳолифатдаги Халқ fronti партияси етакчиси Али Керимли мазкур ҳолатни давлат микёсидаги террор дея баҳолади.



Унинг таъкидлашича, шундай йўл билан ҳукумат сўз эркинлигини бўғиб қўймоқчи. Шунингдек, Керимли жаноблари рўй берган ҳолатга нисбатан муҳолифат оммавий намоийшлар билан жавоб бериши мумкинлигини таъкидлаган деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги.



## Мустақил давлат

«Черногориянинг Сербиядан ажралиб чиқиши учун» сиёсий блоки раҳбари ва айни дамда Черногория бош вазирини Мило Жуканович мустақиллик тарафдорларининг галабага эришганини маълум қилди. Яқшанба кuni Черногориянинг Сербиядан ажралиб чиқиши борасида ўтказилган умумхалқ референдуми натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Черногориянинг 55,5 фоиз аҳолиси Сербиядан ажралиб, мустақил бўлишга қарор қилган. Ўз тарафдорлари олдида сўзга чиққан Жуканович эндиликда Черногория халқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имкониятига эга бўлганини ва бу йўлдан уларни ҳеч қим қайтара олмаслигини таъкидлади. Айтиш жоизки, Черногорияда 650 минг киши истикомат қилади, уларнинг аксарияти тижорат ишлари билан кун кечиради. Европа Иттифоқи билан имзоланган шартномага кўра, Сербиядан ажралиб чиқиш учун бунга Черногория аҳолисининг 55 фоизи рози бўлиши зарур эди.

## Жиноятни яшириб бўлмайди

Ҳозир жаҳоннинг турли бурчакларида ҳуқуқ-тартибот органи вакиллари ниқобидаги жиноятчилар кўпайиб бормоқда. «РИА Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Москвада яна бир гуруҳ шундай тоғламачилар ҳибсга олинди. Москва вилояти ички ишлар бошқармаси ички хавфсизлик бўлимига Красногорск шаҳрида яшовчи (исм-фамилияси сир тутилмоқда) аёлдан ариза тушади. Аризада бешта милиционер уни ноқонуний равишда ушлаб, кўрқитиб, 20 минг доллар талаб этиб, сўнгра жабрланувчининг уйигача бориб, ундан 2 минг доллар пулни олиб қўйишларини баён қилади. Бундан ташқари

милиционерлар ундан наркотик моддалар савдоси билан шугулланувчи шахсларни кўрсатишни ҳам талаб қилишади. Ички хавфсизлик ходимлари олиб борган тезкор тадбирлар натижасида ҳуқуқ-тартибот органлари формасини кийиб, жиноятга қўл урганлар ушланди. Москванинг Митино тумани ички ишлар бўлими тезкор вакили, унинг ҳамкасби ҳамда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланшини назорат қилиш федерал хизматининг Москва бўйича уч нафар ходими тил бириктириб, жинойий гуруҳ тиздирилди. Жинойий фаолияти давомида мазкур гуруҳ оддий фуқароларни ушлаб, қамаш билан кўрқи-



тиб, пул ва товарларни ўзлаштириб юрган. Ички хавфсизлик инспекцияси вакилининг гапига кўра, ҳозир бу турдаги жинойий гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқилган.




## Ёнғин сабаблари аниқланмоқда

В киши нобуд бўлган, улардан иккитаси ёш болалар. «Интерфакс» ахборот агентлигининг маълумотига кўра, ушбу ётоқхонада 54 киши яшаган, уларнинг 38 таси ҳарбийлар бўлган. Айни ҳолат юзасидан Москва ҳарбий округи прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатилади.

Москва вилоятида жойлашган Айққўли қишлоғида кучли ёнғин рўй берди. Қишлоқ марказида қад ростлаган ҳарбийлар оливайи ётоқхонасида номаълум сабабларга кўра ўт кетган. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тарқатган маълумотда айтилишича, ёнғин тўғрисидаги хабар 22 май кuni соат 0047 да етиб келган, ёнғинни бартараф этиш ишлари деярли икки соатга чўзилган. Етоқхона биноси бутунлай ёниб кетиб, томи қулаб тушган. Фалокат оқибатида ёш болалар, ёнғинни бартараф этиш ишлари деярли икки соатга чўзилган. Етоқхона биноси бутунлай ёниб кетиб, томи қулаб тушган. Фалокат оқибатида

Россиянинг Ненец автоном округи губернатори Алексей Баринов округ прокуратураси томонидан сўроқ қилинмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари айтишича, Бариновнинг сўроқда тутилиши унинг губернаторлик фаолияти билан боғлиқ эмас. Гап шундаки, Ненец автоном округи прокуратураси «Ахангельскгеолдобыча» компаниясида текширув ўтказган. Натижада қатор қонубузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланган. Алексей Баринов эса губернатор бўлишидан аввал мазкур компаниянинг бош директори эди. Прокуратура органлари томонидан Баринов ва «Архангельскгеолдобыча»даги унинг яқин издошлари фирибгарлик ва жуда катта миқдордаги мол-мулкни ўзлаштиришда айбланыпти. Етказилган зарар миқдори 20 миллион рублни ташкил этади. «РИА Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, ўтган ҳафта шанба кuni терговчилар губернаторнинг уйда тинтув ўтказишган.



## Ҳисобли дўст айрилмас

Эквадорнинг «Petro-ecuador» давлат нефт компанияси мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган АҚШнинг «Occidental Petroleum» нефт компаниясига қарашли барча жойларни ўз тасарруфига олди деб хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги. Бир неча кун аввал мазкур компанияга тегишли ҳудудлар ва билонлар Эквадор ҳарбийлари киритилган. Мамлакат расмийларининг таъкидлашича, «Occidental Petroleum» компанияси 2004 йили ўз улушининг бир қисмини мамлакат ҳукуматининг розилигисиз Канада фирмасига сотиб, концессия битимини бузган. Бироқ, америкаликлар буни инкор этишмоқда. Уларнинг айтишича, компания Эквадор ҳукумати билан имзоланган шартнома бўлмаган ва бу тушунмовчиликни ҳал қилиш мақсадида мамлакат ҳукуматига бир миллиард доллардан ошмироқ жарима тўлашни таклиф қилган. Лекин эквадорликлар ўз қароридан воз кечишни истамаяпти. «Occidental Petroleum» компанияси инвестицион низоларни ҳал этиш бўйича халқаро марказга мурожаат этиб, мол-мулкни мусодара этишни бекор қилиш бўйича ариза киритди. Эквадор ҳукумати вакиллари айтишича, кўрилган бундай чоралар Венесуэла ва Боливидаги сингари нефт захираларини миллийлаштириш дастури эмас, балки шартнома қондларига тўғри риоя этмасликка нисбатан жазо туридир. Таъкидлаш керакки, «Occidental Petroleum» компанияси Эквадордаги энг йирик ташқи сармоядордир, кунига Амазонка дарёси ҳавзасида мазкур компания томонидан 100 минг баррел нефт қазиб олинади.



## Ҳамкорлик кенгайтирилади

Россия ҳамда Саудия Арабистони терроризмга қарши кураш борасида ҳамкорликда икки томонлама гуруҳ ташкил этишни рўзғорлаштирмоқда. Расмий ташриф ёлғин ар-Риёда келган Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров мамлакат қироли, бош вазир ўринбосари, хавфсизлик кенгаши бош котиби ҳамда мамлакат ташқи ишлар вазири билан учрашувлар ўтказди. Шунингдек, музокаралар чоғида нафақат терроризмга қарши кураш муаммолари, балки савдо-иқтисодий, туристик алоқалар ҳам муҳокама этилди деб хабар беради «BBC News».

## Ҳарбийлар нима дейду?

Украина мудофаа вазирлиги мамлакат тинчликпарвар кучларини Афғонистонга жўнатишга қаршилик қилмоқда. «Новости Украина» нашрининг ёзишича, мудофаа вазири Анатолий Гриценко бу борада фикр билдириб, Афғонистонга Украина ҳарбий контингентини сафарбар этиш сиёсий жиҳатдан қилинган ҳатодир деб таъкидлади. Вазирнинг баён этишича, мудофаа вазирлигининг Афғонистонга тинчлик йўлида ёрдам қўлини чўзиш, хусусан, тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳаво йўлларини мувофиқлаштириш, ҳарбий ўқув юртлири вакиллари ўқитишга ҳеч эътирози йўқ. «Бироқ, ҳарбий кучларни сафарбар этиш бошқа масала», — деди Гриценко гапини якунлар экан. Аммо бу борадаги якуний қарорни миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши, президент ва парламент қабул қилади. Апрель ойида НАТОга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг норасмий учрашувида қатнашган Украина ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк расмий Киев НАТОнинг Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларига кўмаклашишни эътироф этган. Эслайтиб ўтамиз, 2005 йилнинг декабр ойида Украина тинчликпарвар кучларининг Ироқдаги фаолияти якунланган. Ироқ можаросида украин ҳарбийларидан 17 киши ҳалок бўлган, 30 дан ортиги яраланган.

Саҳифани Internet ҳабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

### Касбининг фидойиси

— Ҳақим ака, ишлар қалай? — деб сўрайман холи қолганда.  
— Ишлар ҳаммишгадек қайноқ, — дейди у табассум билан. — Мақола бўладиган материаллар анагина. Мана ҳозир бир мақолани яқунлаш арасида турибман. Ҳоқласангиз кечқурун кириш, тайёр бўлади.  
Қизилтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ҳақим Нурматовнинг одати шундай: вазифасини,

тимиз анча чўзилди. Кейин уйлаб юрган саволимни бердим.  
— Ҳақим ака, кўплар қизиқиб сўрайди. Айтинг-чи, прокуратура ходими қандай одам ўзи?  
— Прокуратура ходими ҳам, энг аввало ҳамма катори оддий инсон, — дейди у. — Ҳеч кимдан ортқ-кам жойи йўқ. Фақат бошқалардан кўра кўпроқ ишлайди, фуқароларнинг

## Ҳавас билан яшаш бахти



**Хар гал Ҳақим ақанинг прокуратурадаги хизмат хонасига кирганимда, у кишини қогозларни титкилаб, компютерда нималарнидир ёзаётган ҳолда учратаман. Айрим пайтлари эса олдига киролмай кетаман. Негаки, қабулига келганлар билан банд бўлади.**

топшириқларни сидқидилдан ва виждонан баҳариш. Прокуратура органларида хизмат қилаётганига 35 йил бўлибдики, шунга амал қилади.  
Албатта, бу одат, бу хислатларнинг замирида мақсадга интилувчанлик, ишга садоқат, одамлар хизматида бўлиш масъулияти ва бестиним меҳнат ётибди. Утган давр мобайнида Ҳақим ака Ромитан тумани прокурорининг ёрдамчиси, Навоий туман прокуратураси терговчиси, Томди ва Навоий туманларида прокурор, Навоий шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси вазифаларида ишлади.  
Келишганимиздек, кечқурун унинг хузурига яна кирдим. Сухба-

қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Ноҳақлик ва жиноятнинг олдини олади.  
Ҳақим ака билан турмуш ўртоғи Санам ая уч фарзандни қомил инсон қилиб вояга етказдилар. Беш нафар неварани бугун бува ва бувиларига куч-қувват, ҳаётларига завоқ бағишлайди.  
Ҳадиси шарифда «Кимки шовилмай, сабр-қаноат билан ҳақ иш қилса, қилган иши ҳаммиша тўғри чиқади» дейилади. Минг йиллар олдинги бу сўзлар бутун ҳаётини прокуратурага бахшида этган Ҳақим ака ва унга ухшаш содиқ инсонларга қарата айтилгандек гўё.  
**Алишер РҲЗИЕВ,** журналист

### Бузоқнинг югургани...

## 38 йиллик ҚОЧОҚ

1968 йилда ўғирлик қилгани учун судланиб, Калифорния қамқоқхонасида сақланаётган Майкл Роберт Смит исмли киши тезда у ердан қочибга муваффақ бўлади. Полициянинг барча уришишлари зоё кетиб, орадан анча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, унинг топиллишига умид боғлаган изқувар топилди. Калифорниядаги жазони ўташ маққамалари департаментининг махус агентси Жуди Фостер 2003 йилда бу ишга киришди ва муваффақиятга эришди. Оралдан уч йил ўтиб, 2006 йилнинг май ойида қочоқ Оклахома штатининг Крик округида қўлга олинди. Штат шерифининг айтишича, бу пайтда 63 ёшга тўлган Майкл қочини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Фақатгина орадан 38 йил ўтган бўлса-да, қидирув ишлари тўхтатилмаганига ҳайрон бўлган.

### Энг, энг, энг...

Дунёдаги энг новча аёл ҳисоблангани 36 ёшли Яо Дэфэн 18 май куни Шанхайдаги Жуицзин касалхонасига ётқизилган. Бўйи 2 метру 36 сантиметр бўлган бу аёлда гипопфиз — бош мия асосида жойлашган ички секретия белининг касаллиши кузатилган.



## Ноёб бемор

Шарқий Хитойнинг Анхой вилоятида туғилган Яо Дэфэн 15 ёшга тўлганда бўйи 205 сантиметрли ташкил қиларди. Бугунги кунда эса у таниқли ҳамюрти, баскетболчи Яо Миндан 10 см. балоңдор бўлиб, оғирлиги 180 килোগрамдир.  
Яо аввалига отасининг тавсияси билан циркда ишлаган, сўнгра баскетбол билан шуғулланган.  
Шанхай касалхонасининг врачлари янги бемор учун алоҳида, икки ярим метрлик қароват тайёрлашга мажбур бўлишди. Операциянинг тахминий нархи 100.000 юан ёки 12.500 доллар ҳисобланиб, ундан ташқари кейинги даволанишлар учун ҳам анча-мунча маблағ талаб этилаётган бир пайтда ҳомийлар ҳам топилиб қолди. Яқингинада Яо ҳақида фильм ишлаган Британия телеканали ходимлари барча харажатларни қоллашга тайёр эканликларини билдиришди.  
Умуман олганда, дунёдаги энг новча эркак деб АҚШнинг Иллинойс штатида яшаб ўтган Роберт Уаллоу ҳисобланади. Унинг бўйи 286 см, оғирлиги эса 200 кг. бўлган. Энг новча аёл эса Зенг Зин Ля исмли яна бир хитойлик бўлиб, 1982 йили 17 ёшда вафот этган. Уша пайтда унинг бўйи 244 см. эди.

Собир ТУРАТОВ

### Афоризм

**Руҳан чўккан аввалроқ ҳалок бўлади.**

Умар ҲАЙЕМ

### Қизикарли факт

Асалари дам олмасдан 320 километр масофани учиб ўтиши мумкин экан.

## ТАБАССУМ

Икки ўртоқ сўзлашишяпти:  
— Сен аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқли бўлиши тарафдоримисан ёки бунга қаршимисан?  
— Мен иккала қўлимни кўтариб бунга рози бўлман. Очиғини айтсам хотинимга бўйсуниб яшаш жонга тегди.

**Тушунтириш хатларидан...**  
Алар мен ишга нима учун маст ҳолатда келганимни баён қилсам тушунариши хати жуда катта китоб бўлиб кетади.

Самарқанд вокзалида иккита кампир бир вагонга чиқиб қолишибди.  
— Сиз қасрга бораёсиз, эгачи? — деб сўради биринчиси.  
— Фарнонага, ўғлим ҳарбий хизматда. Сизчи?  
— Нуқуста, қизимникига меҳмонга бораёсиз.  
— Буни қаранг-а эгачи, одамлар нималарни уйлаб чиқаришмайди-я. Битта поезд икки томонга бораркан-а.

Сўнги пайтда қўл остидаги ходимларнинг тарбиявий ишлари билан шуғулланиб ўзимни эътибордан четда қолдирибман. Оқибатда ишга келишим, маст ҳолатда келишим каби оdatларга ўрганиб қолдим...

Қаргаларнинг қағиллаши жонимизга теккани сабабли уларни тош отиб ҳайдашга келишимиз. Шунга асосан фуқаро В.нинг юзига тош текканини эҳтиётсизлик оқибати деб билишимизни сўрайман. Бундан ташқари унинг қорачадан келган юзидо ҳосил бўлган кўкариш унчалик кўзга ташланмайди-ку.

**Харфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг.**

Э М П Р А Н Т Е М А Р А И Е Т  
М О Н О С У Т И М А Р А И Е Т  
М Д Р Э К Н М П Л Е Т П С О  
У Д А И Ц И Я Т Н Д Е Р

19-сондаги ребус жавоблари: реституция, кодификация, партикуляр, дислоцатсия, репарация, арбитраж

### Муйоуба

Кеча шанба куни мен бир ойпараст билан танишиб қолдим. Қаерда дейсизми? Қаерда бўларди, фин ҳаммомида-да... Оёқларим, белим қақшаб оғригани мус табибнинг тавсияси билан ойига икки марта фин ҳаммомига тушиб тураман.  
Бутун касалликларим тер билан чиқиб кетсин, деб энг иссиқ бўлмага кириб ўтиришим билан кўшин, салқинроқ бўлмадан кимнингдир қилилаб йиғлаётгани кўлогимга чалинди. Нима бўлди экан деб, ўша бўлмага кирсам, не қўз билан кўрайки, пақанагина киши йиғлаганча бошини совуналаб юварди.  
— Нима бўлди, оғайни, кўзингизга совуни кирдимми?  
— Йўқ, йўқ, фақат кўнглим нотинч. Сезиб турибман, бу фин ҳаммомида сўнги бор чўмилишим. Эртага мени ўлжикхонага оёриб ташлашади.  
— Бунча нафасингизни совуқ қилманг, нега бундай дейсиз?  
— дедим мен ва кўрққанимдан тангага ўтириб қолдим.  
— Ҳа, ҳа, эртага мени тириклар қаторидан тополмайсиз.  
— Нима, бугун кечаси ўлиб қоламан деб ўйлансизми?  
— Уйлаётганим йўқ, буни аниқ билман.  
— Нима, инфаркт бўласизми?  
— Йўқ, юрагим бакуват. Мен томга чиқаётганимда йиқилиб тушаман.  
— Оғайни, мени кўригманг, кечаси нега томга чиқасиз?  
— Қошки бунинг сабабини билсам?! Хали биронта мана-ман деган олим бунинг сабабини аниқлай олмаган. Тўлин ой шуъласи ва қандайдир самовий кучлар мени ўрнимдан тургазади, аммо ўзим уйку ҳолатида бўлман. Учига чангақ боғланган аргамчини томга отиб, осилиб чиқаман. Томнинг энг четида дорбозлардек турли харақатлар қиламан. Чарчаганимдан кейин пастга тушиб, уйимга бориб ётаман. Сезиб юрибман, кейинги пайтларда ўша самовий кучлар мени ҳаммом ортидаги тўрт қаватли уй томига чорламоқдалар. Билман, бу кеча фалокат юз беради.

Шу боис, бир ювиниб, тозаланиб олай деб, ҳаммомга келдим. Узимни тўхтата олмай йиғи-сиги қилганим учун кечирасиз.  
— Оғайни, тўрт қаватли уй томига чиқмасдан биронта пастроқ уй топсангиз бўлмайдингми?  
— Йўқ, бўлмайди. Сиз самовий кучлар таъсиридан бебаҳор экансиз. Уларнинг таъсирига ҳеч ким қарши турулмайдми.  
— Унда бўлса, учига чангақ боғлан-  
заковатидан устунроқ экан. Аммо сиз мени ўлимдан сақлаб қолишимиз мумкин.  
— Тезроқ айтинг, нима қилишим керак, ахир бекордан бекорга ўлиб кетаверасизми?  
— Сиз менинг нажоткоримсиз. Иложи бўлса, ўша томга чиқилди-ган қопқоққа осилган қулфни очиб қўйинг. Мен эса томга ташқаридан ипга осилиб эмас, балки зиналар орқали чиқибга ҳаракат қиламан. Эҳтимол шунда фалокат рўй бермас...

Андрейс СКАЛИС

Хаммомдан қайтган заҳотим тўртинчи қаватга чиқиб қулфни очдим ва кимдир бехосдан қўлаб қўймасин деб қалит тикиладиган жойига 3-4 гургут чўп тикиб, синдириб ташладим. Сўн уйга кириб чой ичдим ва ярим кечагача телевизор томоша қилдим.  
Хаво булутсиз, осмонда тўлин ой чарақлаб турар, атраф нурафон...  
Менинг кўнглим ҳам тинч эди. Бахтиқаро бир ойпарастни ўлимдан сақлаб қолаётганимни уйлаб, осуда улхаб қолдим.  
Эрталаб соат 7 ларда каттиқ шовқин-сурондан ўйғониб кетдим. Қўшиллар ҳам қизик-да, ахир бугун яқшанба, дам олиш куни бўлса...  
Тонг сахардан туриб олишади. Ухлашмайди, соат 10 ларгача. Барибир бўлмади, подёздага чиқдим. Қўшиллар бири қўйиб, бири сўки-нар, кимларгадир лънат ўқишарди.  
— Нима бўлди ўзи? — сўрадим мен.  
— Нима бўларди, кечаси кимдир томга чиқиб, антенналаримизни кўпориб, олиб кетибди, — қичқирди бири.  
— Қандайдир аблах эса, — бақирди иккинчиси, — песлик қилиб, томга чиқиладиган қопқоққа осилган қулфни очиб қўйган экан.  
Худога минг қатла шуқри, тўлин ой шуъласи ва самовий кучлар инсониятнинг ақл-заковатидан кўп бора устунроқ экан. Қўшиллар қулфни очиб қўйган аблахни топишолмади.

## Фин ҳаммомидаги танишув

ган аргамчини томга отиб, ипдан осилиб чиқманг-да, мўри тозаловчилар сингари подвезд зиналаридан тўртинчи қаватга кўтарилинг, сўнгра шифтдаги қопқоқни очиб томга чикинг.  
— Мен ҳам шундай қилмоқчи эдим, аммо қопқоқ осма қулф билан қулфлаб қўйилган экан.  
— Тўхтанг, тўхтанг, тўрт қаватли уй қаерда дедингиз?  
— Учча узоқ эмас, шундоққина ҳаммомнинг орқасида.  
— Нималар дейсиз, мен ахир ўша уйда яшайман-ку!  
— Шунчақми? У ҳолда эртага деразангиз остиди нотаниш, йўқ, йўқ, ичкироғи ҳаммомда сиз билан танишиб қолган бир бахтиқаронинг мурдаси топилади.  
— Бунақа ваҳимали гапларни гапирманг. Ўзойи бадамин музааб кетяпти. Сиз яхшиси дўхтирларга учрашинг. Эҳтимол улар ёрдам беришар...

— Фойдаси йўқ. Борманг дўхтирим қолмади. Тўлин ой шуъласи ва самовий кучлар инсонларнинг ақл-

Йўлдош ПАРДА таржимаси

**HUQUQ**  
yuridik gazeta

**Та'сисчи:**  
**О'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

**Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV,  
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK,  
Sherzodxon QUDRATXOJAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-40, 133-26-62.  
E-mail: Info@huquq.uz.  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikri tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahmiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 756.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatchi muharrir:** G'afurjon ALIMOV  
**Musahhir:** A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta haftaning chorsanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**